



# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADO LAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 31 (1095) • 2016-yil, 29-iyul, juma

## ➤ ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ

### ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ:

тахлил, натижа, таклиф

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ўз вақтида қабул қилиниши ва амалга оширилиши тарафдоримиз

Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз Сайлов-олди дастурида аҳолининг кенг қатлам-ларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтиришни устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ушбу дастурий вазифалар, электр-рат манфаатлари ҳамда сайловчиларга берилган ваъдалардан келиб чиқиб, партия ва унинг Олий Мажлис Қонунчи-лик палатасидаги фракцияси бир қатор мақсадли ташаббусларни амалга ошир-моқда.

Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг ташаббусига кўра, куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари А.Икромовнинг «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг тиббий муассасалари моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустақамлашга, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самардорлигини оширишга қаратилган тадбирлари бажарилишининг бориши тўғрисида»ги ахборотига оид парламент эшитуви ўтказилди.

Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2016 йилга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар, қонун ижодкорлиги ва назорат-тахлил ишлари режаси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий ҳаракат дастурида белгиланган режа асосида «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган ваколатлар доирасида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сибесатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўтган йиллар давомида халқимизнинг саломатлигини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ҳамда узок умр кўриш даражасини оши-

риш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ушбу концепциянинг изчил амалга ошириладигани туфайли ҳомиладор аёлларни таркибидан инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур бўлган микроэлементларга эга поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Натижада вази кам болалар туғилишининг камайишига эришилди. Бундан ташқари, ирсий касалликлар ва туғма нуқсонларнинг олди олинмоқда. Болаларнинг ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари камаймоқда. Кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 минг чакалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшга бўлган болалар ўлими 14,8 дан 13,9 тага, чакалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Хозир ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими 92 фоиз ўғил-қизнинг вази ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати стандартларига тўла мос келади. Ўз навбатида, ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

2➤

## ➤ 25 ЙИЛ:

### МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



# ГЎЗАЛЛИККА ОШИЁН ШАҲАР

«Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур. Етти пора қасабаси бор. Жанубий тарафидаги қасабалардан бири Андижондурким, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш кўрғонидин сўнгра мундин улўғроқ кўрғон йўқтир. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида воқе бўлубтур. Қалъанинг гирдо-гирди ҳандақнинг тош ёни сангрезлик шоҳроҳ тушубтур. Эли туркдур. Элининг лафзи қалам билан росттур». Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асариде келтирилган ушбу маълумот Андижоннинг шаҳарсозлик тарихи қадимий эканлигини, бу шаҳар нафақат водийда, балки Марказий Осиёда катта қалъалардан бири сифатида олис ўтмишда шаклланганлигини кўрсатади.

5➤



## ➤ КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК

### Миллат келажига дахлдор савол

Тарихнинг шундай даври ва лаҳзалари бўладики, вақт тушунчаси уларнинг маъно-моҳиятини тўла очиб беришга ожизлик қилади. Чунки, қатрада қуёш акс этганидек, бу лаҳзалар миллатнинг тақдирига, миллий ва маънавий тараққиётига бевосита дахлдор бўлиб, тарих саҳифаларига мустақам нақшланиб қолади.

### ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ДОВОН

Йигирманчи аср адоғида халқимиз оламшумул тарихий ғалабага эришди — истибод занжирлари узилиб, мустақилликка эришди, тақдиримизни ўз қўлимизга олдик, қизил салтанат исканжасидан, унинг файринсоний мафкура-си ва сохта кадрларидан озод бўлдик. Ўта оғир ва мураккаб шароитда қўйган дастлабки қадамларимиз даврнинг қалтис синовларига тўғри келди, не бахтки, халқимизнинг буюк бардоши, сабр-қаноати боис, бу синовлардан зиён-заҳмат кўрмай, тинч-омон ўтиб олдик, янги жа-

мият барпо этиш, янги баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги ҳаракатларимиз асло сўсаймади.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўзимизга хос ва мос йўл танлаб, мақсад-вазифамизни аниқлаб олганимиз, ўз кучимизга, ички имкониятларимизга таянганимиз, ташқаридан қарз олмаганимиз, узокни ўйлаб иш тутганимиз аини мудоа бўлди. Истиқлол шароитида кечган йигирма беш йиллик умримизнинг ҳар тонги бизни ҳам, мустақилликни ҳам улғайтирди, вояга етказди. Бу улўғ неъмат ҳар биримизнинг қалбимизга, онг-шууримизга шу қадар чуқур сингдики, эндиликда ҳеч ким ўзини хуррият туйғусидан айро хис эта олмайди. Мустақиллик ҳаётимиздаги энг улўғ ва энг азиз байрам, эришган оламшумул ютуқларимиз бизнинг, фарзандларимизнинг, келажак авлодларнинг фахрифтхори, ҳаётининг мазмуни бўлиб қолди. Бир сўз билан айтганда, йигирма бешинчи довонга ҳам зафарли одимлар билан етиб келдик!

Ана шундай фараҳбахш лаҳзаларда дўппини бошдан олиб, ўтган умрни, ўзинг босиб ўтган йўлларни сарҳисоб қилгинг келади. Беихтиёр ҳаётингиз бугунги ҳаётимизнинг бош ғоясига айланган улғурган «Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?» деган савол келади ва унга жавоб излай бошлайсан. Бу жуда улўғ ва залвор бекиёс савол. Чунки у миллатнинг, халқнинг, эл-улуснинг ўтмиши, бугуни ва келажига дахлдор.

3➤

## ➤ ФУРУР

Биз учун тоабад яккаю ягона, муқаддас ва мўтабар, севи ва садоқатимиз ҳамиша баҳшида бўлган, бахту иқболимиз бешиги ҳисобланган гўзал ва жаннатмонанд она диёримиз — Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшаси қундан-қунга янгилиниб, яшариб бораётгани мустақиллик шарофатидан.

### ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН УЛУҒ НЕЪМАТ

Мустақиллик — бу шундай улўғ неъматки, у асрлар тўғонидан соғ-омон ўтиб, ўзимиз ва ўзлимизни, миллий аъяна ва кадрларимизни англаш имконини берган муқаддас бойлик. Узок йиллар ҳукмронлик қилган зуравон ва мустабид тузумнинг қурбони бўлган ота-боболаримизнинг ораси, истак ва мақсадлари истиқлол туфайли рўёбга чиқди. Мустақиллик, энг аввало, миллий ўзлимиз, миллий давлатчилигимиз, кадрият ва аъяналаримиз, бекиёс тарихимиз ва маънавиятимиз, асосийси, ҳақ-ҳуқуқ ва кадр-кимматимизни қайтариб берди.

Собик иттифок даврида азалдан ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган она тилимиз, миллий маданиятимиз, аъяналаримиз камситилиб келингани сабаб буюк алломаларимиз ҳақида даярли ҳеч қандай маълумотга эга бўлмадик. Уларнинг номлари қораланиб, тарих саҳифаларидан ўчириб юбориш даражасига етиб келган, миллий байрамлар ва халқ ўйинларимизга эскилик саркити сифатида

қаралганлиги каби аянчли ҳолатларнинг шохиди бўлганмиз. Юртимизда таълим-тарбиянинг самардорлигига эътибор сусайтирилиб, юзлаб мактаблар хароб ахволга келиб қолганини ҳам кўрганмиз. Она тилимизга бўлган эътибор қундан-қунга сусайиб, ўзбек тили қанча камситилганлигини бошдан кечирди. Шукрим, она халқимиз дорилмомон қулар келишига умид билан қараб, қурашга бел боғлаши самарасида истиқлолга эришди.

Бугун ҳар бир юртдошимиз чехрасидан шоду хуррамлик, тақдирдан розилик, ҳаётдан мамнуликни илғаб олиш қийин эмас. Юртимизнинг қай бир гўшасида бўлманг, қай бир шаҳар, қай бир қишлоғига борманг, қайси юртдошимиз билан суҳбатлашманг, ҳаммамнинг нигоҳида хуш кайфият, кўтаринкилик, истиқлол шукхи ҳукмронлигининг гувоҳи бўласиз. Бу эса қалбимизга хузур, кўнглимизга фурур, кўзларимизга қувонч бахш этади.

2➤

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ:

Тахлил, натижа, таклиф

Давоми. Бошланиш 1-бетда

Мажлиса айтиб ўтилганидек, Ўзбекистонда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинган жорий йилда ҳам бу борадаги изчил ишлар давом эттирилмоқда.

Шу боис парламент эшитувида депутатлар айнан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ушбу жиҳатлари бажарилишини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган амалий ишлар, соҳада мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича илгари сурилаётган ташаббусларни кенг муҳокама қилди.

Кун тартибидagi масалани батафсил муҳокама қилиш жараёнида сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари ушбу парламент эшитувининг ташаббускори сифатида унга тийгирлик қўриш жараёнида аниқланган тахлилий маълумотлар асосида ўз фикр-мулоҳазаларини, позицияларини илгари сурдилар.

Фракция аъзолари томонидан кайд этилганидек, "Адолат" СДП Сайловолди дастурида аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтириш, шу билан бирга, барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши ва амалга оширилиши тарафдори эканлиги белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, Давлат дастурининг "Оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва рағбатли бўлаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустахкамлашга йўналтирилган

қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш"га оид бўлимида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишига эътиборни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Людмила КОШЕЛАПОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ соғлиқни сақлаш тизими, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўтган 25 йил мобайнида Ўзбекистонда миллий генотипни яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ҳамда узок умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қўлай шарт-шароитлар яратишга доир кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Аҳолининг соғлиқни сақлаш мақсадида биргина 2015 йилнинг ўзида 141 та тиббий муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблугини ташаббускори сифатида унга тийгирлик қўриш жараёнида аниқланган тахлилий маълумотлар асосида ўз фикр-мулоҳазаларини, позицияларини илгари сурдилар.

Айниқса, 2016 йилнинг Ўзбекистонда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинганлиги ва Президентимиз қарори билан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг қабул қилинганлиги бу соҳадаги ислохотларни янада изчил амалга ошириш, юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг янада кучайтириш имконини берди. Қарор асосида Давлат дастурида кўрсатилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди.

Мазкур вазифалар ижроси юзасидан парламент назоратини амалга ошириш мақсадида парламент эшитувида тийгирлик қўриш жараёнида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг махсус иш режаси асосида вакиллик органларидаги депутатлик корпусимиз ва барча ҳудудий партия ташкилотларимиз иштирокида жойларда Дастурнинг

ижроси ўрганилиб, чуқур тахлиллар амалга оширилди.

Мазкур жараёнда Сайловолди дастуридаги устувор йўналишлардан келиб чиқиб, фракциямиз асосий эътиборни Давлат дастурининг тиббий муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, ҚВПлар тармоғини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустахкамлашга ҳамда тиббий муассасаларини капитал ва жорий таъмирлаш масалаларида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратди.

Чуқур тиббий муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда ушбу соҳани мустахкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўрганишлар натижасида қатор иккитанлиқ кўрсаткичлар билан бирга, мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларида айрим муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Жумладан, Давлат дастурида 4 та қонун ва 1 та қонун ости ҳужжати лойиҳаларини, хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига", "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги, "Озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг

публикасининг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган ва муддатлари кўрсатилган эди. Аммо бугунги кунгача Қонунчилик палатасига фақатгина битта қонун лойиҳаси киритилди.

Биз барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам қонун устуворлигини таъминлаш, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши ва амалга оширилиши тарафдоримиз.

Шундан келиб чиққан ҳолда фракциямиз Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг самарали амалга оширилиши учун оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом бола тарбиясида уларнинг ролини ошириш, оила институтини мустахкамлашга қаратилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш ҳамда тўлиқ ижросини таъминлаш зарур, деб ҳисоблайди.

Муҳокама чоғида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг тиббий муассасалари моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустахкамлашга, оилавий поликлиникалар ва кишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлари бажарилишининг бориши тўғрисида"ги ахборотни маълумот учун қабул қилди.

Парламент эшитуви якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида Давлат дастури ижроси самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар берилди.

Шунингдек, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталарга ўз фаолиятларида Давлат дастурини сўзсиз ва самарали бажарилишига эътибор қаратиш, парламент назорати институтидан фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Илҳос САХАТОВ, «Adolat» мухбири



ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН УЛУФ НЕЪМАТ

Давоми. Бошланиш 1-бетда

Буларнинг барчаси замирида истиқлолдан баҳрамандлик, шу муқаддас заминдан фخرланиш туйғулари юракларда барқ ураётганлиги мужассам, "Ким эдиту ким бўлди", деган эзуғу гоа халқимизни янада бирлаштираётганлиги қувончлидир. Бугун ҳар бир маҳалладаги хонадонлардан тортиб, таълим муассасалари, ташкилот ва корхоналарда Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигини муносиб қутиб олинди "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шiori янада кўтаринкилик бахш этаётганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, истиқлол шарофати туфайли қулдан-қунага чиroy очиб, гуллаб-яшнаётган Жиззах тумани бунинг яққол мисолларидан биридир. Туман ҳудудига қирришдаги Учтепа шаҳарчасига қўз ташласангиз, замонавий меъморчилик услубида қад ростлаган уй-жойлар, спорт мажмуалари, кенг ва раvon кўчалар, гўзал боғчалар, тиббий муассасалари, савдо шохобчалари юртдошларимиз, айниқса, келажакимиз воясида бўлган ёшларнинг қалбида шу анз ва муқаддас Ватанга нисбатан фخرланиш ҳиссини оширмақда.



Мустақиллик шарофати билан сўнгги йилларда Жиззах туманини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилиб, саноат ва қурилиш соҳасидаги унумдорлик янада ўсди. Туман ёшларининг асосий қисми бугунги кунда қурилиш, кишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга ўз меҳнатлари билан ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, ёшлар, хотин-қизларни қўшимча касбларга ўргатиш, уларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш борасида бажарилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Чунончи, жорий йилнинг ўзида саноатда 26 та, кишлоқ хўжалигида 36 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 43 та янги лойиҳалар амалга оширилиб, жами 21 миллиард 288 миллион сўмлик маблаг ўзлаштирилиши натижасида 678 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди. Эътиборлиси, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида ўтган йиллар мобайнида янги лойиҳалар асосида 978 та уй-жой қурилиб, ўз эгаларига топширилган бўлса, жорий йилда 411 та уй-жой қуриб битказилганлиги қувонарли ҳолдир.

Замон талабларига мос равишда жиҳозланган 58 та умумтаълим мактаблари ва улардаги 44 та спорт зали, 23 та мактабгача таълим

муассасаси, 7 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари бугун ёшларимизнинг билимли, соғлом ва барқамол бўлиб вояга етиши учун хизмат қилмоқда. Хотин-қизларнинг саломатлигини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, умуман олганда, халқимиз саломатлиги йўлида замонавий типда қурилган, давр талабларига мос равишда тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, малакали тиббий ходимларга эга бўлган 26 та кишлоқ врачлик пунктлари ишлаб турибди. Шу билан бирга, ёшларимизнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланиши учун барча шароитлар яратиб берилганлиги ўз ижобий самараларини намоян бўлмоқда. Шу боис, ёшларимиз спортнинг кураш, бокс, гимнастика каби бир қанча турлари бўйича жаҳон ареналарида етакчилиқни қўлдан бермай келаётир.

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тез суръатларда ривожланди. Юртбошимиз раҳнамолигида миллий кадрларимиз қайта тикланди. Дунё маданияти ва илм-фанга бекиё ҳисса қўшган буюк бобоқалонларимизнинг муבורак номлари қайта тикланиб, маънавий-маданий меросимиз ўзимизга қайтарилди. Юртимиз фарзандларининг дунё тамалдунга, иш-

соният тараққиётига муносиб ҳисса қўшган улдуф зотларининг авлоди эканлиги, бугун ҳеч қимдан кам бўлмаганлиги ва кам эмаслигини тушуниб етганлиги айни ҳақиқат.

Ҳар қуни меҳнат фаолиятини юзасидан йўлга отланган чоғида, беихтиёр теварак-атрофга қўз ташлар эканман, юртдошларимнинг ҳаёти қулдан-қунага ўзгариб, она юртим жамоли янада чиroy отаётганлигини кўриб, қалбим чексиз қувончга тўлади. Туманимизда бугун қўлаб оилалар ўзининг замонавий типдаги ҳовлиси, уй-жойи, юртимизда ишлаб чиқилган енгил автомашинасига эга. Маҳаллаларда тиңчилик ва тотувлик ҳукмрон. Тўй-тантана ва байрамлар авжига. Буларнинг барчаси, республикамизда олиб борилаётган оқилона сиёсат самараси, мустақилликнинг бизга берган улдуф неъматидир.

Айни пайтда фуқароларнинг ишончли вакили, депутат сифатида она халқимга нафим тегиб, мустақил Ватанимизни тараққиётни, юртдошларим фаровон яшашига оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман.

Дилмурод КАРИМҚУЛОВ, халқ депутати Жиззах туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари

ТАДБИР

Коррупция дунё микёсидаги глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис унга қарши кураш халқаро аҳамият касб этиб, долзарб масалалар қаторидан ўрин эгаллаган.

Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ коррупцияга қарши курашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, унинг олдини олишнинг мустахкам ҳуқуқий базаси ва аниқ тизими яратилган.

Ўзбекистон "Адолат" СДП тизимидаги Коррупцияга қарши кураш комиссияси томонидан партия Марказий назорат-тағтиш комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгаши раислари, бош ҳисобчилари ҳамда Марказий аппарат масъул ходимлари иштирокида ташкил этилган йилги таълим ҳам шу ҳақда батафсил сўз юритилди.

Таъкидланганидек, ҳозирда қўлаб давлатларда терроризм, айирмачилик, сепаратизм, уюшган жиноятчилик, шу жумладан, коррупция авж олаётгани дунё жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Ана шундай бир шароитда мансабдор шахсларнинг жиноятчилар билан тил бириктириши натижасида жамият



сиёсий ва иқтисодий инқирозга юз тутиши мумкинлиги коррупциянинг ижтимоий хавфи нечоғли юқори эканлигини далил қилиб беради. Бундай хавфли қилмиш охири-оқибат уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдириши учун шартон яратиб беради.

Қолаверса, коррупция фуқаролар, айниқса, ёш авлодга ижтимоий адолатга, ҳақиқатга, давлат органлари ва мансабдор шахсларга бўлган ишончни сусайтиради. Шу нуқтаи

наздан ўсиб келаётган ёш авлодини, айниқса, коллеж ва олий таълим муассасаларини битириб, касбий фаолият бошлаш оstonасида турган ёшларга коррупциянинг нечоғли хавфли иллат экани ҳақида доимий тушунча бериб бориш зарур. Негаки, бугунги кун битирувчиси эртанги мутахассис, жамият ва давлат бошқарувининг иштирокчисидир.

Шунингдек, тадбирда коррупция демократик институтларни заифлаштирувчи, ижтимоий тартибни бузув-

чи ва жамият ишончини поймол этувчи иллат сифатида кайд этилиб, унинг олдини олиш ва унга барҳам беришда давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги кайд этиб ўтилди.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш соҳасида мустахкам ҳуқуқий асос яратилган. Хусусан, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясида коррупция мамлакатининг миллий хавфсизлигига таҳдиқлардан бири, дея эътироф этилди. "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури"да ҳам коррупцияга қарши курашга доир чора-тадбирлар белгиланган. Мамлакатимиз 2008 йил 7 июлда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилди. Ўзбекистон минтақамизда биринчилардан бўлиб "Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмининг молиялаштиришга қарши курашни тўғрисида" қонун қабул қилди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, коррупциянинг олдини олишга қаратилган институционал механизмлари ислоҳ қилишда Мамлакатимизда демократик ислохотларни

янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурининг асосий йўналишларидан бири «Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари — энг олий қадрият!» деб номланган. Мазкур шior остида партия ҳамма вақт ижтимоий адолат, қонун устуворлиги асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конститутивий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш гоёсини илгари суриб келмоқда. Шу мақсадда жойларда партия ташкилотлари томонидан давлат ва жамият бошқарувида, жумладан, партия тизимида ушбу иллатга йўл қўймаслик, ёш авлод онгига коррупциянинг салбий оқибатларини ҳақида зарур тушунчаларни шакллантиришга қаратилган учрашувлар, давра суҳбатлари мунтазам ташкил қилиб келинмоқда.

Шу билан бирга, партия коррупцияга қарши кураш соҳасидаги фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Шунингдек, йилги таълим тизимида ҳам қонунбузилиш ва коррупциянинг олдини олиш, жумладан, партиянинг молиявий фаолиятида коррупция, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда очиқлик, шаффофликни таъминлаш, партия мулкига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада партия тизимидаги Коррупцияга қарши кураш комиссияси, Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича комиссия ҳамда Одоб-ахлоқ комиссиясининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш, партия раҳбар кадрлари ҳамда бош ҳисобчиларининг масъулиятини ошириш лозимлиги кайд этилди.

Йилги таълимда коррупцияга қарши қабул қилинган меърий ҳужжатларнинг амалиётда қўлланишини ҳар томонлама ўрганиш, уларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш партиянинг барча бўғинларидаги фаоллари олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди. Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Суюндик МАМИРОВ, «Adolat» мухбири

# Миллат келажига дахлдор савол

Давом. Бошланги 1-бетда

## Хақиқатга айланган афсона

Журналистика соҳасида фаолият юрита бошлаганимга ҳам ўттиз йилдан ошиб қолди. Ўтган йилларда қораланган ва турли газета-журналларда чоп этилган ёки чоп этилмаётган кетган мақолаларимнинг сал-

ўтиши билан тобора каттарок, тобора залворлироқ мазмун-моҳият касб этиб бораверади. **Айтиш-чи, Камчик дово-дан ошиб ўтишни хафталаб кутган кунларимизни унутиб бўладими? Яна айтиш-чи, водийга замонавий, юмшоққина ўриндиқли вагонларда катнаётган юртдошларимизнинг тил-ларида шукрона бўлса, бу эзгу сабабнинг оқибати эмасми?!**

саволингиз сувга тушган тошдек ном-нишонсиз кетади. Яъни, жавобсиз қолади. Чунки улар ёлғон сотиб кун кўраётганликларини яхши билишадди.

Соялар ёруғликда, нурда аниқроқ кўзга ташланади. Бу ҳақда ўйлаганда, тўқсонинчи йиллар бошида уруш гирдобига тортилган халқимизнинг юрагига олов солиб, бунёдкорликка, қуриш ва яратиш ишига сафарбар этган, ўзбек халқининг қадрли баланд ва бағри бутун эканини дунёга кўз-кўз этиб келатган Юртбошимиз сиймоси хаёлимда жонланади.

Улуғ шоирларимиздан бири шундай деган эди: “Биз хақиқатни айтишни маддоҳлик деб билмаслигимиз керак! Ота-онага иззат-хурмат кўрсатиш, она Ватанини севиб ардоқлаш, жондан азиз халқини, бекиёс аждодларини улуғлаб, мўътабар заминимизни обод этаётган йўлбошчининг хизматини эътироф этиш асло хушомад эмас, балки дилдаги меҳр ва эҳтиромни изҳор этишдир!”

Йигирма беш йил... Бу йилларнинг хар бири иқтисодий, маънавий юксалиш, ўзликни англаш, дунё кенгликларига чиқиш, жаҳон ҳамжамияти сафларида ўз ўрнини эгаллаш йўлида муҳим пиллапоя бўлди десак, муболага бўлмайди. Бу йиллар, чиқдан ҳам, ёш мустақил давлатимизни халқаро сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий-техникавий ҳамкорлик майдонларига олиб чиқди, обрў-эътиборини мустаҳкамлади. Айни чоғда, дунёнинг талабчан нигоҳи кейинги чорак асрда Ўзбекистон деб аталмиш тинч ва осулда, бағрикенг, халқи меҳнатқаш, саҳозатли гўшага бурилди. Тарихан киска вақт ичида кўлга киритган ютуқларимиз, яъни ички маҳсулотнинг ўсиши ўн бир йилдан бериб саккиз фоиздан кам бўлмаётгани, халқимизнинг харид қуввати ошаётгани, дунёнинг ривожланган мамлакатларини ларзага солган молиявий харид қуввати ошаётгани, дунёнинг ривожланган мамлакатларини ларзага солган молиявий танглик пайтида ҳам иқтисодий ўсишда барқарор натижа-ларга эришиб келатганимиз, аҳоли турли катламлари мамлакатимизда кучли ижтимоий химоя остида эканлиги, давлат ўттиз даврининг бош ислохотчи сифатида ўз вазифасини тўла-тўқис бажариб келатгани таникли сиёсатдонлар, иқтисодчи мутахассисларни беэътибор қолдирмади. Яқинда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги саммити муносабати билан мамлакатимизга ташриф буюрган давлат раҳ-

сухбатимиз чоп этилган эди. Шу ўринда ана шу суҳбатдан бир иқтибос келтирсак.

“...1989 йилнинг 25 июни. Қўқони латифда ўқ овозлари саросима кўзгаб, одамлар жунбушга келган ва денгиздек тошайтган ўша кезларда янги сайланган Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов нотинч шахримизга, бехаловат ҳаётимизга кириб борган. Хўрланган ва ҳақоратланган, ҳаётдан тўйиб кетган одамлар билан юрагини очиб гаплашган.

Ўшанда Ислам Абдуганиевич ҳаммамнинг дардини бирма-бир эшитиб шундай деган эди: “Барака топгурлар, бир хақиқатни кулоғимизга қўроғиндай қуйиб олишимиз керак, тинч-лигимизни, хавфсизлигимизни, онамизни, фарзандларимизнинг келажagini ўзимиз химоя-лашимиз зарур, ўз кучимизга ишониб ва таяниб иш кўришимиз даркор.

Шу мақсад йўлида мен доимо сизлар билан биргаман, чунки бу конли воқеалар нима эка-

топти. Бу авлод миллатнинг эртаси, келажаги, мамлакатимизнинг истикболи ўзларига бевосита боғлиқ эканини яхши тушунади ва бу масъулиятни қалбан ҳис этади. У ёки бу мамлакатнинг ноёб бойликларини, хазинаси ҳақида фикр юритиладиган бўлса, ҳеч му-болағасиз айтиш мумкинки, бугунги ёш авлод халқимизнинг ҳеч нарсага қисқаб бўлмайдиган бебаҳо маънавий хазинаси, муқаддас бойлиги ҳисобланади, деб бемалол айта оламиз ва бу бойлик билан ҳақли равишда фахрланамиз. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бу авлод ўз ота-боболари орзу қилган буюк чўққиларни забт этишлари, овоз ва обод Ватанда тинч-тотув умргузаронлик қилишларига шубҳа йўқ. Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун йўл

Хар бир халқнинг ҳаёт тарзини, кадриятларини, урф-одатларини, бахт-саодати, гурур ва ифтихорини, нуфузини ўзида намойён қиладиган тантаналари, байрамлари бўлади. Халқимизнинг ана шундай байрамлари орасида энг улуғи, энг қадрлиси, энг азизи, шубҳасиз, мустақиллик байрами ҳисобланади.

## Гурур ва ифтихоримсан, Ватан

Одатда, байрамлар арафасида кўнгилларимизда босиб ўтган йўлларимизга бир назар ташлаш фикри уйғонади. Нима ишлар қилинди, қандай ютуқларга эришилди, келгусида яна қандай ишларни амалга ошириш талаб этилади, сингари саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Албатта, кўхна тарих учун чорак асрлик муҳдат киприк қоккуллик фурсат билан тенг. Аммо халқимиз юртимиз тимсолида ана шу қисқа фурсат ичида ҳам асрларга тенг улуғ ишларни амалга ошириш мумкин эканлигини намойён этади.

Мамлакатимизнинг халқаро миқёсда эришайтган муваффақиятлари асосида, табиийки, юртимизда амалга оширилайтган улуғвор ишлар ётади. Эътибор беринг, истиклолнинг илк йилларидан бошлаб Ватанимизнинг ҳақиқий тарихини тиклаш борасида қатта ишлар қилинди. Қўплаб шахарларимизнинг тарихий масканлари, ёдгорликлари асл ҳолида қайта тикланди. Ўнлаб шахарларимизнинг 2700, 2500 йилга тўйларини дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликда нишонланди. Исо ат-Термизий, Ҳаким ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бурхониддин Марғиновий, Абу Мансур Мотуридидий, Баҳоуддин Нақибанд, Аҳмад ал-Фароғий, Имом ал-Бухорий каби улуғ алломаларимизнинг юбилей тантаналари ўтказилди. Буларнинг бари эндиликда Президентимизнинг ўша пайтларда узокки кўлаб иш бошлаганлигини, яъни юртимизнинг тарихий кадриятларини тиклаш, улуғ аждодларимизни ёъзолаш, улар меросларидан бугунги авлодларни баҳраманд қилиш орқали халқимизнинг миллий гурурини, ўзликни англаш туйғуларини юксалтиришдан иборат аъмоқлар эканлигини яққол намойён этади. Булар эса, ўз навбатида, юрт мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ёхуд кейинги йилларда ўнлаб шахарларимизнинг замонавий ва миллий шахарсозлик асосида қайта қурилайтгани, обод, гўзал мегополисларга айланаётгани, юзлаб кишлоқларимиз бунёдкорликлар туфайли янгидан чирой очиб, қўркам қиёфа касб этаётгани — ҳамма-ҳаммаси истиклол берган имкониятлар натижасидир.

Илмий асарларда, халқаро анжуманлардаги маърузаларда “демократия”, “конун устуворлиги”, “адолат” каби сўзлар, атамалар кўп тилга олинади. Бирор мамлакатнинг фаолиятига баҳо берилмоқчи бўлса, шу атамалар мезон қилиб қўрсатилади. Бунда маълум асос бор. Лекин яна бир ҳақиқат шундан иборатки, ушбу мезонлар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатта “экспорт” қилинмайди. Яъни, бир мамлакатнинг демократия ва адолатпарварлик тамойиллари, конунлар, мақмулар бошқа мамлакатлар учун асос бўлолмайди. Бу ўринда хар бир мамлакат ўз ҳаёт тарзи, миллий кадриятлари, урф-одатлари ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда демократик, адолатпарварлик тамойилларини ўрнатиди, конунлар ишлаб чиқаради. Мамлакатимизда ҳам истиклол йилларида ана шундай асосда икки палатадан — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатидан иборат давлат ҳокимияти органи ташкил этилди.

Қабул қилинган конун ҳужжатларида мамлакатимизнинг бугунги ҳаёт йўли, тараққиёт аъмоқлари, кадриятлари, халқимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, маънавий турмуш тарзи билан боғлиқ барча жаҳалар камраб олинган. Бизнинг демократия йўлимиз, адолат, ҳақиқатни қарор топтириш мезонларимиз аждодларимиз томонидан яратиб берилган “Куч — адолатда” ғояси асосида амалга оширилмоқда. Бошқача айтганда, мамлакатимизда давлатчиликнинг, қонунчиликнинг, жамиятни бошқариш тизимининг, янгича ислохотларнинг, тараққиётнинг “ўзбек модели”га асос солинди. Бу ютуқлар ҳам, табиийки, истиклол шарофати туфайли кўлга киритилди.

Мамлакатимизнинг 25 йиллик тараққиётида хар бир йил ўзига хос ўрин тутди. Негаки, шу йиллар давомида иқтисодийнинг кимё, тўқимачилик, машинасозлик, автотомобилсозлик саноятларини ривожлантиришга, озик-овқат, маиший хизмат, транспорт-коммуникация, кичик бизнес, тадбиркорлик, фермерлик соҳаларини юксалтиришга асосий масалалар сифатида эътибор берилди. Булардан ташқари, Президентимиз ташаббуси билан хар бир йилнинг “Кексаларни ёъзолаш йили”, “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Соғлом она ва бола йили” каби номлар билан аталгани, шу муносабат билан Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, бу ишларнинг амалга ошириши учун қатта маблағлар ажратилиши ушбу йиллар салмони янада оширди. Истиклол даври бунёдкорлигини, ислохотлар самарадорлигини юқори даражага кўтарди. Дикқат қилинса, ана шу йилларда аёллар ҳаёти, оналар ва болалар саломатлиги, ёш авлод тарбияси, уларнинг жисмонан соғлом ва маънавий етук инсонлар сифатида камол топишига алоҳида эътибор қаратилганлиги кўзга ташланади. Бугун мамлакатимиз оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни етук инсонлар қилиб вояга етказишда дунёда олдинги ўринларда туради. Бу ҳам мустақилликнинг бизга берган имкониятлари натижасидир.

Албатта, мамлакатимизнинг чорак аср ичида эришган ютуқлари қўлами қатта. Биргина мақолада уларнинг барчаси ҳақида батафсил тўхталиб ўтишни имконияти йўқ. Мустақиллик, истиклол байрами бу шунчаки кўнгилхушлик, сайр-томоша, ўйин-кулги анжумани эмас. У халқимизнинг озод, обод юртга, хур ўлкасига, ўз эрки, ҳақ-ҳуқуқлари қўлга киритилган кунга меҳр-муҳаббатни, гурур ва ифтихорига айланган Ватанга садоқати ифода-сидур. Бундай улуғ байрамда Ватан шаъни улуғланади, миллат гурури юксалади.

Фарҳод АБДУЛЛАЕВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

**Кунни кеча афсона, чўпчак бўлиб туюлган тушунчалар қисқа фурсат ичида ҳақиқатга, воқеликка айланмоқда. Балки шу сабабдир, баъзан ён-атрофни, ҳаётни кузата туриб ҳайратингни яширолмайсан. Энг муҳими эса, воқеликка мутаносиб равишда одамлар ўзгарди, онг-тафаккур ўзгарди. Демак, янги даврнинг янги одамлари, янги авлоди шаклланди.**

## Кимсиз ўзи, биродар?

моғи ҳам шунга яраша. Баъзан уларни қайта мутолаа қилар эканман, сарғайган сатрлар ортида қолиб кетган кечаги кун кўз олдимида яққол намойён бўла бошлади.

Наманганлик дўстим Тўрамирза Оринов шундай эслайди: — Саксонинчи йиллар охирилари эди. Водийдан яқинларимнинг бири оғир хасталик ҳақида хабар келди. Шошиб йўлга тушдим. У пайтлари машиналар фақат кундузлари юрарди. Аммо... ёмғир сабаб йўл бузилиб, дабдаласи чиқиб ётган экан. Суриштирсак, “Бугун тузатамиз... эртага...” дейишади. Бир ҳафта Камчик дово-нида қолиб кетдим...

Иждоқор сифатида бир пайтлар наинки қўлиқ, ҳатто одам пийёда юрса ҳам ваҳима босадиган Камчик дово-ни ўрнида замонавий, теп-текис йўлни кўрганимда, иккига тунелдан ўтганимда лол қолганлигим чин. Буни қарангки, қисқа вақт орасида Ангрен — Поп йўналишида 124 километрлик электрлаштирилган темир йўл шига тушди. Тан олайлик, бу воқеликни йигирма беш йил аввал ҳатто тасаввур этиш ҳам мушкул эди. Довон орқали темир йўл-а! Қаранг, шундоқ поезде ўтирамиз, Камчик орқали ўтиб, водийда пайдо бўлиб қоламиз. Афсонанинг чинга айлангани эмасми бу...

Бу ўринда юртимизда рўй бераётган фавқулодда ўзгаришларнинг фақат биттасини тилга олдим, холос. Бежиз “Томчида куёш акс этади”, дейишмайди. Зеро, бундай одамнинг ақлини шоширар даражадаги ўзгаришлар, шукрки, мамлакатимизда бисёр ва бисёр.

Вақт қанчалар шиддат билан олдинга интилмоқда. Тараққиёт эса тезликда ундан ҳам ўтиб кетгудай. Зеро, кунни кеча афсона, чўпчак бўлиб туюлган тушунчалар қисқа фурсат ичида ҳақиқатга, воқеликка айланмоқда. Балки шу сабабдир, баъзан ён-атрофни, ҳаётни кузата туриб ҳайратингни яширолмайсан. Энг муҳими эса, воқеликка мутаносиб равишда одамлар ўзгарди, онг-тафаккур ўзгарди. Демак, янги даврнинг янги одамлари, янги авлоди шаклланди.

Шубҳасиз, хар қандай катта ёхуд кичик муваффақиятга ўз-ўзидан, сеҳргар табиининг бир ишораси билан эришиб қолинмайди. Юртимизда қўлга киритилган хар бир ютуқ, ижобий кўрсаткич, фахрланишимизга арзийдиган кўндан-кўн натижалар, залворли рақамлар ортида ҳам фидокорона ва машаққатли меҳнат, доимий шижоат, изчил изланиш, энг асосийси, адолатли сиёсат турибди. Тараққиёт йўлида барқарор сурьатлар билан қадим қўяётган, обод ва фаровон ҳаёт қурилайтган юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар маҳобати ва аҳамияти эса йиллар

Яқинда мақолаларимнинг бирода “Ахир биз шундай кунларни кўрдикки, эсласанг, номусдан кизариб кетасан киши, баъзан ҳаёлдан “Ростдан ҳам шундай бўлганди-я. Хўп ғалати замоналар бўлган экан-да”, деган юпатувчи ўй ҳам ўтади”, деб ёзгандим. Даврада танишлардан бири илмоқли гап қилиб қолди:

— Шу, сиз журналистлар ҳам баъзан жуда ошириб юборасизлар-да. Нима, кечаги кунимиз шунчалик ёмониди...

Тўғриси, ўзини зиёли сановчи бу инсоннинг саволига жавоб бергим келмади. Чунки унинг ўзи ҳам, саволи ҳам жавобга арзимасди. Лекин уйга келгач кўнглимдаги гаплар қорозга тўкилди.

Бугун қайси бир пучмоққа беркиниб олиб, пана-пасткамда биз қўлга киритаётган ютуқлар, мамлакатимиз забт этаётган улкан марралар, шорона ташбеҳ билан айтганда, она Ўзбекистонимизнинг дунё ҳамжамияти кўз ўнгида муаззам ва мухташам осмонўпар иморат каби қад ростлаб бораётганини кўролмаётганлар орасида ўзи туғилди, вояга етган юрт тараққиётига тарикча хисса қўшмаган айрим миллатдошларимиз ҳам борлигига ачиниб кетасан.

“Исминг нима ўзи, сен кимсан, қайси тупроқда туғилди, қай гўшада вояга етгансан? Нега ичтинг бу қадар кир, нега бунчалик тубанлашиб кетгансан?” деб сўрагинг келди улардан.

**Бугун қайси бир пучмоққа беркиниб олиб, пана-пасткамда биз қўлга киритаётган ютуқлар, мамлакатимиз забт этаётган улкан марралар, шорона ташбеҳ билан айтганда, она Ўзбекистонимизнинг дунё ҳамжамияти кўз ўнгида муаззам ва мухташам осмонўпар иморат каби қад ростлаб бораётганини кўролмаётганлар орасида айрим миллатдошларимиз ҳам борлигига ачиниб кетасан.**

Афсуски, бунинг иложи йўқ. Чунки улар соялар. Ха-ха, айнан соялар. Уларни бошқача атаб бўлмайди. Чунки фақат соягина бировларга эргашиб юради. Фақат соянинггина ўзи йўли, ўз мақсад-муддоси, ўз борар манзили йўқ!

Улар ўз туғилган тупроғи, сув ичган ариғи, таом еган дастурхонига тош отаётганидан уялмайди. Улар кимларнингдир ялоғини ялаб, итга ташланган суяк каби ерга отиб юборилган уч-тўрт чақасини териб олишдан ор қилмайди. Ўзларича “Биз демократмиз”, деб аюҳаннос солишдан чарчашмайди. “Хой, демократбой, сен кимсан ўзи? Бундай рангрўйингни кўрсат, исми-шарифингни айт?” деб сўрасангиз

барлари, таникли сиёсатдонлар Ўзбекистон ташлаган йўлининг нақадар ҳаётини ва халқчилигини ўз кўзлари билан кўрдилар, аср қурилиши ҳисобланмиш Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг очилишига гувоҳ бўлдилар.

Айтиш-чи, бу кунлар, бу ютуқлар билан фахрланмай бўладими?!

## Озодликдан бошланган ободлик

Газета тахламларини варақлайман. Бундан ўн йил аввал “Халқ сўзи” газетасида Ўзбекистон Қаҳрамони, машхур халқ устаси Абдугани Абдулаев билан “Юрт ободлиги, кўнгли ободлиги” сарлавҳали

**— Мен хикоями бежиз ўша қонли ва саросимали кунлардан бошлаганим йўқ, — дейди эл-юрт хурматиға сазовор уста Абдугани Абдуллаев. — Биз ўша долғали замонда бир жасур инсон ҳиммати билан муқаррар ҳалокат гирдобидан чиқиб олдик, кейин тақдиримизни ўз қўлимиз билан яратмоққа киришдик. Ўтган вақт мобайнида юрт ободлиги, кўнгли ободлиги йўлида мисли кўрилмаган эзгу ишлар қилиндики, буни бугун бутун дунё кўриб, тан олиб турибди!..**

нани яхши биламан! Ҳаётимиздаги қийинчиликларни биров келиб, хал қилиб бермайди. Буни ўзимиз биргаликда бар-тараф этамиз. Сизлардан, айниқса, ҳаётнинг паст-баландлигини кўрган ёш улуғ кишилардан илтимосим шуки, ҳамма жойда тинчлик бўлсин, вазминлик билан тартиб ўрнатиб, қучимизни, ақл-идроқимизни яхши ишларга сафарбар этгайлик. Келажак тақдиримизни ўз қўлимиз билан яратайлик!”

Мана шу ёлқинли даъват ҳамон қулоқларим остида аксадо бериб турибди.

**— Мен хикоями бежиз ўша қонли ва саросимали кунлардан бошлаганим йўқ, — дейди эл-юрт хурматиға сазовор уста Абдугани Абдуллаев. — Биз ўша долғали замонда бир жасур инсон ҳиммати билан муқаррар ҳалокат гирдобидан чиқиб олдик, кейин тақдиримизни ўз қўлимиз билан яратмоққа киришдик. Ўтган вақт мобайнида юрт ободлиги, кўнгли ободлиги йўлида мисли кўрилмаган эзгу ишлар қилиндики, буни бугун бутун дунё кўриб, тан олиб турибди!..**

Айтиш-чи, у кунларни унутиб, хотирдан ўчириб бўладими?!

## Сўнгсўз ўрнида

Йигирма беш йил... Шу ўтган йиллар ичида мамлакатимизда янгича дунёқарашга эга, мустақил фикрлашга қодир навқирон авлод камол

олган Ўзбекистон спорт делегацияси сафарига кўз ташлаган киши бунга қатъий ишонч ҳосил қилади. Мамлакатимиз ёшлари орасида ўтказилаётган “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдиқ? Эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?”, “Биз — келажаги буюк юрт фарзандларимиз”, “Инновацион ғоялар”, “Ёшлик бахори”, “Ўзбекистон — Ватаним менинг”, “Юрт келажаги” кўрик-танловлари, фестиваллар мамлакатимизнинг минглаб ишжоятли, фидойи ёшларини ягона мақсад йўлида бирлаштиргани, улар қалбида ватанпарварлик туйғуларини янада жўшурдиргани ғоят муҳимдир. Бир сўз билан айтганда, истиклол йилларида ёшларга кўрсатилаётган бекиёс эътибор ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Айтиш керакки, истеъодлар миллатнинг ноёб мулки ҳисобланади. Каердаки, уларга имкон берилса, меҳнат ва изланишлари ўз вақтида рағбатлантирилса, шу ерда ҳаёт янада фаровон бўлади, турмуш гўзалашади. Шуғролар замонада бунинг тамомила акси бўлди. Бугун мамлакатимиз пойтахтида, вилоятларда, шахар ва туманларда хунармандлар, ишбилармонлар, тадбирқору ихтирочи ватандошларимизнинг иждо намуналари намойиш этилаётган кўрғазмалар билан танишар эканмиз, бу фикрнинг нечоғли тўғрилигига ишонч ҳосил қиламиз.

Йигирма беш йил — тарих учун кўп муддат эмас. Аммо бизнинг энг катта ютуғимиз шундаки, бу йилларнинг хар дақиқаси бунёдкорлик, янгиланиш, дунёга чиқиш мақсади билан чуқур мазмун ва моҳият касб этади. Ҳаёт, тараққиёт асло тўхтаб қолмайди. Шундай экан, бугунимиз қатори эртанги кунимиз ҳам, келажакимиз ҳам янада сермазмун, янада улкан ютуқларга, муваффақиятларга бой бўлиши шубҳасиз.

Энди ана бир марта дўппини бошдан олиб йўлаб кўрайлик: Кеча ким эдигу бугун ким бўлдиқ? Эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?!.

Ислам ҲАМРОЕВ

# Ўзбекистон — умумий уйимиз

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши ва Республика байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик — бебаҳо неъмат" мавзусида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.



Партиянинг "Буюк ва муқаддасан, хур Ўзбекистон!" лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари ҳамда Республика байналмилал маданият маркази, миллий маданият марказлари вакиллари, ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимиз кўп миллатли халқимизнинг меҳнати самарасидир. Хусусан, 130 дан зиёд миллат ва элат, 16 диний конфессия вакиллари билан биргача тинч-осойишталик ҳаёт кечириб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Уларнинг ўз урф-одатлари ва расм-русумларини тўлиқ адо этиши, миллий анъана ва қадриятларини асраб-авайлаши учун барча шароит

яратилган. Миллий маданият марказлари фаолияти самарали йўлга қўйилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса, умумтаълим мактабларида таълим етти тилда олиб борилаётгани, оммавий ахборот воситалари, хусусан, газета-журналлар саккиз тилда чоп этилаётгани, ўн тилда радио ва теледастурлар эфирга узатилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Тадбирда партия депутатлари ва фаоллари мамлакатимизда яшовчи барча миллат вакиллари билан биргача тинч-осойишталик ҳаёт кечириб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Уларнинг ўз урф-одатлари ва расм-русумларини тўлиқ адо этиши, миллий анъана ва қадриятларини асраб-авайлаши учун барча шароит

уийимиз", "Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда", "Ватан ягонадир — Ватан биттадир" каби шиорлар остида республикамизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтказилаётган фестиваллар, давра суҳбатлари кўп миллатли халқимизнинг чинаяқ дўстлик анжуманларига айланган десак, муболага бўлмайди.

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамиятимиздаги меҳроқибат, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик муҳитини кўз қорачиқидек асраб-авайлашга давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида доимий эътибор қаратилаётган. Анъанавий равишда ташкил этилаётган кўплаб тадбирларда бу жиҳатлар яққол акс этмоқда.

Байрам тадбирида миллий маданият марказларининг бадий жамоалари миллий куй-кўшиқ ва рақсалар, қадрият ва анъаналарини намоён этиш орқали истиқлолни улуғлади.

**Бобир ОТАМУРОВОВ,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
Тошкент шаҳар кенгаши  
раиси ўринбосари

## ДЕПУТАТ САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Барлиқбай Пренов Нукус шаҳридаги "Ҳаво йўллари" маҳалласида ўз сайловчилари билан учрашди. Унда "А.Досназаров" сайлов округи ҳудудидаги маҳаллалар фаоллари, нуруний ортаҳон ва онахонлар, ёшлар, шу ҳудуддаги қорхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

## Ислохотлардан ҳар бир фуқаро манфаатдор

Депутат ўз сўзида мустақилликнинг мамлакатимиз тараққиётида, ҳар бир юрдошимиз ҳаётидаги бекиёс аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Б.Пренов мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг улкан самаралари, кейинги йилларда қабул қилинган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти, истиқлол йилларида соҳаларда эришилган ютуқлар хусусида ҳам алоҳида тўхтади.

Учрашувда иштирок этган сайловчилар ҳам катта бунёдкорликлар, янгиланишларга мутаносиб равишда одамларнинг қарашларида ўзгаришлар, уларда ҳаётдан мамнулик ҳисси, яратувчилик иштиёқи тобора ортаётганлигини қайд этишди. Меҳнат фахрийси Толеген Маҳаматалиев бугунги кунда Нукус шаҳри гўзал ва обод бўлганлиги нуқсусликлар қалбига гурур бағишлаши, бу ободликлар уларнинг ҳаётида ҳам акс этаётганлигини эътироф этди. Муҳими, ислохотлардан ҳар бир фуқаро манфаатдор эканлиги намоён бўлмоқда.

Шунингдек, учрашувда сайловчилар мавжуд масалалар юзасидан депутатга ўз тақлифларини билдиришди. Жумладан, "Ҳаво йўллари" кўчаси ва "Қутли қонис" маҳалласи ҳудудидаги "Лойиҳалаштириш-11", "Лойиҳалаштириш-12" кўчалари бўйидаги электр тармоқларида таъмирлаш ишларини олиб бориш зарурлигини қайд этишди.

Шу куннинг ўзида мазкур масалалар бўйича депутат мутасадди ташкилотлар вакиллари билан маслаҳатлашди ва муаммо тез орада ҳал этиладиган бўлди.

**Шарипа ТОРЕШОВА,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
кенгаши матбуот котиби

## 2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Яқинда Наманган туман партия кенгаши томонидан "Соғлом оила — соғлом жамият асоси" мавзусида партияимизнинг "Соғлом оила — соғлом жамият — порлоқ келажак" лойиҳаси доирасида давра суҳбати ташкил этилди.

## Соғлом оила — соғлом жамият асоси

Иштирокчилар мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ этилгани, борада қўлга киритилган натижалар жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам тан олинаётганини таъкидлашди.

Вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Баҳодир Болтабоев юртимизнинг барча ҳудудларида тезкор ва профессионал тиббий ёрдам тизими самарали ишлаётганини қайд этди. Шифокорларимиз ҳасталикларни аниқлашда магнит-ядровий ҳамда магнит-резонанс томографи каби ноёб ва замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланмоқда. Жойларда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиладиган оилавий поликлиникалар ва кишлоқ врачлик пунктлари тизими изчил йўлга қўйилди.

Қисқа муддатда юртимизда халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган шифохоналар ҳамда уларнинг вилоят ва туманлардаги бўлимлари ташкил этилди. Шунингдек, туман ҳамда вилоят даражасида аҳолига хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасалари тармови вужудга келтирилди. Уларнинг барчасида замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди ва малакали кадрлар билан таъминланди.

Наманган туман тиббиёт бирлашмаси ходими, тажрибали акушер-гинеколог Гулнозаҳон Жўраева туманида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ижроси доирасида қилинган ишлар хусусида сўз юритди. Мазкур бирлашма қошида фаолият юритаётган "Адолат" СДПнинг бошланғич ташкилоти раиси Нуриддин Рахимов аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида партиядошларимизнинг ибратли ишлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Бундай фойдали мулоқотларни туманининг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказиш юзасидан билдирилган тақлифлар маъқулланди.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**  
"Adolat" мухбири

## ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Ўзбекистон "Адолат" СДП Зарафшон шаҳар кенгаши томонидан шаҳардаги саноат касб-хунар коллежида "Глобаллашув жараёнидаги мафкуравий таҳдидлар" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

## Ахборот хуружларига қарши мустаҳкам маънавий иммунитет


Партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, коллеж ўқитувчи ва муҳандис-техник ходимлари, маҳаллалар етакчилари иштирок этган ушбу тадбирни шаҳар партия ташкилоти раҳбари Сардор Жалилов олиб борди.

Тадбирда бугунги глобаллашув даврида динни никоҳ қилиб олаётган фитначи оқимлар, тўдаларнинг таҳдидлари, ўзини "Ироқ ва Шом исломи давлати (ИШИД)" деб атаётган террорчи ташкилотнинг ваҳшиёна хунрезликлари хусусида сўз юритилди. Шунингдек, бундай оқимлар интернет орқали тарғиб қилиб боришга, айниқса, ёшларнинг онгини захарлашга уринишдан тўхтамаётган мурраккаб даврда юрдошларимиз ана шундай кутқулардан оғох ва эҳтиёт бўлиши шарт эканлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш орқали бундай таҳдидларга қарши курашиш ҳаётий зарурат ва долзарб вазифа саналди.

Тадбир якунида аҳолини, айниқса, ёш авлоднинг зарарли ахборот хуружларидан асраш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш юзасидан амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш, бу борада партия фаоллари, барча аъзоларининг масъулиятини оширишга доир вазифалар белгилаб олинди.

**Олим ХЎЖАЕВ,**  
"Adolat" мухбири

# "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ: МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



## Ватанни мадҳ этиб

### ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

Жиззах шаҳрида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб, партиянинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида ўтказилган "Иншолаб танлови"нинг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

— Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида ташкил этилган "Иншолаб танлови"нинг шаҳар ва туман саралаш босқичида ҳудудлардаги касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасаларининг талабалари иштирок этишди. — дейди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Нигора Жўраева. — Худудий босқичларда ғолиб бўлган иштирокчиларнинг иншолари партиянинг вилоят кенгашида ташкил қилинган ишчи гуруҳи томонидан ҳолис баҳоланди.

— Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси сифатида партия томонидан ўтказиб келинаётган тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқдаман, — дейди танлов ғолибларидан бири, зафарободлик Чарос Муродова. — Ушбу танлов мен учун бир мактаб вазифасини ўтади десам, адашман бўламан. Она Ватанимни мадҳ этиш истагида ижодий изланишимни давом эттираман. Бундай тадбирлар мен каби ёшлар қалбига Ватанга бўлган меҳру муҳаббат, садоқат туйғуларини янада оширишга хизмат қилади.

Натижаларга кўра, танловнинг вилоят босқичида Зомин туманидаги қишлоқ хўжалиқ ва маъий хизмат касб-хунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси Бобур Хўжамқулов 1-ўрин, Жиззах давлат педагогика институтини "Мақтабача ва бошланғич таълим" факультети талабаси Фарход Эргашев 2-ўрин, Зафаробод туманидаги маъий хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Чарос Муродова 3-ўринни эгаллашди. Ғолиблар вилоят партия кенгаши томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Узоқбой РИСКУЛОВ,**  
Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

### "АДОЛАТ" КУБОГИ УЧУН

Юртимиз бўйлаб истиқлол байрами шуқуқи кезиб юрган айни кунларда жойларда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, бадий кечалар, учрашув ва мулоқотлар, спорт мусобақалари халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбига кўтаринки кайфият бахш этмоқда.

## Чинозлик ёшлар футбол майдонида

Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш ва нишонлашга доир ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ ҳудудларда хаваскор жамоалар ўртасида партия кубоги учун ўтказилаётган мини-футбол

мусобақалари ҳам айни кизгин паллага кириб бормоқда. Чиноз туман партия кенгаши ва "Қамолот" ЕИХ туман бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган ана шундай мусобақа ҳам кизикarli бўлди. Ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказишга қўмақлаш, спортга жалб этиш

орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, улар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, истиқлол ғояларига садоқат ва ватанпарварлик туйғусини кучайтириш мақсадида ўтказилган мусобақада Чиноз туманидаги "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғинининг "Ёшлик" ҳамда "Авфон" маҳалла фуқаролар йиғинининг "Бунёдкор" жамоалари майдонга чиқинди.

Беллашув натижасига кўра, "Бунёдкор" жамоаси ғолибликни қўлга киритиб, мусобақанинг вилоят босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди. Тадбир сўнггида совриндор жамоа аъзолари партиянинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Жамшид РАБИЕВ**

## Сафдошимиз ғолиб бўлди

### "ЁШ АДОЛАТЧИЛАР" ИБРАТИ

"Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси — 2016" кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичида бу йил касб-хунар коллежларини тамомлаб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган 2870 нафар битирувчи-қизлар орасида дастлабки босқичларда ғолибликка эришган 42 нафар ёшлар иштирок этди.

Дастлаб уларга Марказий банк вилоят бошқармаси томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Шундан сўнг ишлаб чиқариш, кишлоқ хўжалиги ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган энг яхши лойиҳалар кўриб чиқилди. Натижаларга кўра, 6 нафар лойиҳа муаллифлари ғолиб деб топилди, андижонлик ёш тадбиркор қизлар номидан навбатдаги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

— Ишлаб чиқариш йўналишида тайёрлаган лойиҳам юқори ба-

холаниб, биринчи ўринни эгалладим, — дейди Андижон туманидаги маъий хизмат касб-хунар коллежи битирувчиси, Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши "Ёш адолатчилар" қаноти фаоли Гулноза Мамасолиева. — Дизайнер сифатида билим ва тажрибаларимни ошираман. Миллий ва замонавий либослар яратишда харажатни камайитириш ҳисобига миқозларга арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш устида изланиб иш юритяман.

Андижонлик ёш сафдошларимиз орасида Гулноза каби изланувчан ёшлар кўрсатилаётган



этибор ва ғамхўрликларга ўз фаоллиги, ташаббускорлиги билан амалий жавоб бермоқдалар.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**  
"Adolat" мухбири

Давом. Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда археолог олимлар Андижон ва унга яқин жойларда олиб борган казишма ишлари натижасида шаҳар остидан олис тарихга оид маданий қатламларни топдилар. Бу маданий қатламлардан топилган ноёб ашёлар шаҳар милоддан олдинги V-IV асрларда барпо этила бошлаганини тасдиқлади. Унинг тарихи ҳақидаги илк ёзма маълумотлар милоддан олдинги II асрнинг бошларида Фарғонага келган Хитой сайёҳи Чжань Цянь битикларида учрайди. У водийдаги Даван давлати таркибида бўлган шаҳарлар, қалъалар борлиги ҳақида ёзиб қолдирган. Қадимшунослар ана шу қалъалардан бири Андижон шаҳри ўрнида бўлганини аниқладилар. IX-X асрларда Маҳмуд Кашгарий "Девони лугат ул-турк", Юсуф хос Ҳожиб "Кутадғу билиг" асарларида Андижонни қадимий шаҳар деб эътироф этидилар. X-XII асрлар муаррихлари Табарий, Истахрий, Абдулқарим ас-Самъоний асарларида шаҳар Андуго, Андуко, Андуко номлари билан тилга олинади. Бу ердан қўлаб алломалар етишиб чиққанлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Искохон Тўра Ибрагим "Фарғона тарихи" асарида "Тарихи "Кутадғу"дан музазода будурки, Андижон тўрт минг йилдан муқаддам, яъни Ўғузхон вақтида шаҳар бўлса ҳам, андин аввал ҳам ободон шаҳар экан. Ўғузхон Нуҳ алайҳиссаломни тўққизинчи ўғлидир. Валхосилки, Андижон Фарғона шаҳарлари ичинда энг аввалги ва қадимийдур", деб таърифлайди. Буларнинг бари Андижоннинг олис шаҳарсозлик ўтмишидан гувоҳлик беради.

Андижон шаҳри 20 асрдан ошқ даяр ичида бир худудда, бир жойда барпо этилган. Бу ерда қадимий шаҳар вайроналари устига янги шаҳар қуриш анъанаси давом қилган. Шу сабабли қадимий қалъа обидаларидан бирортаси тўла сақланган ҳолда бугунги кунга етиб келмаган. Фақат унинг эски шаҳар қисмидаги XIX аср охирида қурилган мадраса, хонақоҳ, масжид, минорани ўз ичига олган Жомеъ мажмуасининг бир томони сақланиб қолган, холос. Маҳобатли пештоқ, иккита гўмбаз, 20 дан ошқ хужрадан иборат бу ёдгорлик ажлодлар бунёдкорлигининг намунаси ҳисобланади. Шу билан бирга, андижонликлар ажлодлар мейморчилигининг энг яхши анъаналарини қайта тиклашга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Шаҳарда ана шу Жомеъ мажмуаси яқинида "Девонавой" масжиди асл тарихий қўриқига монанд равишда қайта қурилди. Тарихий тарх асосида барпо этилган бу ишоот Андижоннинг қадим шаҳарсозлик маданиятини намоеън этувчи бунёдкорликнинг гўзал тинимига айланган.

Истиқлол йилларида шаҳарларимизни жаҳон шаҳарсозлик, мейморчилик маданияти талаблари асосида қайта қуриш, уларни миллий ва замонавий асосда барпо этиш ҳаётий заруратга айланган. Шу мақсадда мамлакатимиз Президентининг "Андижон вилоятида 2011-2015 йилларда турар жой массивлари коммунал инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу ишлар учун давлат хазинасидан 1,7 триллион сўм маблаб ажратилди. Бу борада Андижонда иш, аввало, шаҳар марказини қайта қуришдан бошланди. Бу ердаги эгри-бутри, тор, машиналар қатнови учун қийинчилик туғдирадиган кўчалар кенгайтирилди. Икки томонлама қатновга хизмат қиладиган янги, катта йўл қурилди. Йўлнинг икки чеккасида йўлаклар барпо этилиб, улар атрофи эколандшафт асосида кўкаламзорлаштирилди. Кўча атрофидаги пасткам,



# ГЎЗАЛЛИККА ОШИЁН ШАҲАР

кўрimsиз уйлар олиб ташланиб, улар ўрнида 3-4 қаватли мухташам бинолар, гўзал ишоотлар қад ростлади. Бу биноларнинг юқори қаватлари аҳоли турар жойлари бўлса, пастки қавати аҳолининг кундалик эҳтиёжларига хизмат қиладиган савдо шохобчалари, маъшии хизмат кўрсатиш корхоналарига айлантирилди. Шу тарихи Андижон шаҳрининг марказида унинг шарқий ва ғарбий нуқталарини туташтирувчи, барча кўчаларини ўзаро боғловчи "Ўзбекистон" кўчаси пайдо бўлди. Бу кўча нафақат Андижонда, балки республикада замонавий шаҳарсозликнинг илк намуналаридан бирига айланган.

"Ўзбекистон" шохкўчаси қурилиши билан унинг бағрида қўлаб ишоотлар барпо этилди. Энг аввало, Алишер Навоий номидаги биро олдида мухташам аrika бунёд қилинди. У бутун шаҳарнинг ҳуснига хусн қўшди. Кўчага туташ нуқтада тикланган "Хотира" майдони андижонликларнинг оёғи зулмайдиған қадрият масканига айланган. Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги вилоят бош кутубхонаси ва вилоят мусикали драма театри бинолари ҳам кўчадаги бошқа мухташам ишоотлар каби замонавий ва миллий шаҳарсозлик анъаналари асосида қайта қурилиб, таъмирланди. Кўчада, булардан ташқари, иккита умумтаълим мактаби, тиббиёт коллежи, болалар уйи бинолари ҳам қад ростлади. Элликлан ошқ савдо мажмуалари, маъшии хизмат уйлари, меҳмонхоналар фаолият юритмоқда. Кўчанинг марказида барпо этилган "Бизнес маркази" замонавий қўриқини, мухташам ишооти, аҳоли учун барча қулайликларга эгаллиги билан шаҳарнинг ифтихорига айланган. Бу бино ғарб шаҳарсозлик архитектурасининг гўзал намуналари даражасида яратилган. Унда XXI аср шаҳарсозлигининг киефаси аксини топган. Шу билан биргаллик, "Ўзбекистон" кўчаси Андижон шаҳрининг қачонлардир эски ва янги деб номланган икки қисмини туташтирди.

— Мен шаҳар ҳаётини ярим асрдан ошқ вақтдан бери биламан. Унинг қайси даҳаси, қай маҳалласи, қайси кўчасида қандай иморатлар, бинолар, ишоотлар барпо этилганини яхши эслайман. Илгари бирор бино



қурила бошланса, беш-олти йилга қўзиларди. Уни қуриб тутатмасдан олдин эскириб бўларди, — дейди халқ таълими фахрийси Йўлдош Машрабев. — Эндилликда беш-олти ой, узоғи билан бир йил ичида катта-катта иморатлар қад ростламоқда. Яна уларнинг чиройлидиги, гўзаллигини айтмайсизми?! "Ўзбекистон" кўчасидаги иморатлар икки йил ичида қуриб бўлинди. Шаҳар янги киефа касб этди. Аввалдан мавжуд иморатлар — кутубхона, театр бинолари қайта қурилиб, таъмирдан чиқарилганидан кейинги ҳолати тасаввурингизга сиғмайди. Шундай даражада қурсак, шундай ободликда яшасак бўлар эканку!

Андижон шаҳри марказидаги "Ўзбекистон" кўчасида қайта қуриш, ободонлаштириш ишлари якунланганидан кейин шаҳар ахли янги шаҳарсозлик асосида барпо этилган кўча ва барча қулайликларга эга уйлари қуриб, уларда яшашнинг афзалликларига тўла ишонч ҳосил қилдилар. Яратилган гўзаллик ва афзалликлар одамлар қалбида янги яшашга иштиёқ уйғотди. Шундан кейин шаҳарнинг 14 та марказий кўчаси, 10 дан ортиқ катта йўлларни туташган чорраҳаларнинг янги лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шунга монанд Бобур номидаги шохкўча, унга туташ "Истиқлол" ҳамда "Миллий тикланиш" кўчалари қайта қурилди. Бу ерда қурилиш ишлари бошланишидан олдин бир

тажриба синовдан ўтказилди. Шаҳарда бунёд этиладиган ишоотларнинг ўринлари тадбиркор, мулкдор бўлишни истаган шахсларга хусусий мулк қилиб берилди. Бунёдкорлик ишлари узлуксиз давом этиши, белгиланган режалар амалга ошиши учун бу мулкдорларга банклар узок муддатли имтиёзли кредитлар ажратди. Мулкдорларнинг тақдирларига кўра кўп қаватли иморатларнинг юзлаб янги лойиҳалари яратилди. Уларнинг орасидан энг яхшилари танлаб олинди.

Андижон азалдан бинокорлар, иморатсозлар юрти сифатида ном қозонган. Шу сабабли шаҳарда бунёдкорликка эътибор қучайгани учун мингдан ортиқ қурилиш ташкилотлари фаолият олиб борди. Уларнинг 11 таси давлат муассасаси бўлса, қолганлари хусусий қурилиш корхоналаридан иборат бўлди. Бу эса қурилиш соҳасида ижодий рақобатни юзага келтирди. Яна бир қиес: агар "Ўзбекистон" кўчасида қурилган аксарият ишоотларнинг буюртмачиси, қурувчиси давлат ташкилотлари бўлган бўлса, ундан кейинги даврда қад ростлаган биноларнинг буюртмачиси ҳам, қурувчиси ҳам тадбиркорлардан иборат бўлди. Бу замонавий шаҳарсозликнинг миллий асосда яратилган халқимизнинг қудратли кучга эга эканлигини намоеън қилди.

Натижада Бобур номидаги шохкўчада, "Истиқлол", "Миллий тикланиш" кўчаларида юзлаб кўп қаватли турар жой бинолари қад ростлади. Булардан ташқари, Марказий дехкон бозори, вилоят ҳўжалик суди, вилоят газ унитар корхонаси, Био-кимё заводи, Уй-жой комбинати, "Мумтоз", "Холис" каби савдо ўқув марказлари, "Хамкорбанк", "Туронбанк", "Агробанк", "Ипак йўли" банки, вилоят молия бошқармаси каби ташкилотларнинг бинолари ҳам замонавий шаҳарсозлик киефасига монанд қайта қурилди. Шу билан бирга, ушбу кўчаларда барча талабларга жавоб берадиган 17 та меҳмонхона, шодиеъна ва тантаналар ўтадиган 27 та тўйхона, 20 та хусусий шифохона, фуқаролар йиғинларининг 20 та янги бинолари тикланди. Бу бинолар, ишоотлар қурилишида замонавий шаҳарсозлик билан бирга шарқона, миллий бунёдкорлик хусусиятлари — улур-

Одатда, ҳар бир соҳада биринчи бўлишнинг ўзига хос мураккабликлари бор. Агар амалга ошираётган ишнинг муваффақиятли кечса, яхши. Тажрибанг ўзини оқлама, бундан ёмони бўлмайди. Не бахти, андижонликларнинг замонавий ва миллий шаҳарсозлик барпо этиш борасидаги тажрибалари ниҳоятда муваффақиятли чиқди.

Замонавий шаҳарсозлик маданиятининг шакллантиришида яна бир соҳага алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Бу шаҳарларимизда аҳолининг маданий дам олиш ва ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишларига хизмат қиладиган кўнгулчор масканлар, спорт ишоотлари, маданий-маърифий муассасаларни бунёд қилиши билан боғлиқдир. Бу борада ҳам андижонликлар ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Кейинги йилларда шаҳарда 9 та маданий уй, 28 та оммавий кутубхона, 2 музей, 3 та театр, 3 та мусика мактаби, 6 та маданият ва истироҳат боғлари фаолият юритмоқда. Аҳолининг, хусусан, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратилган. Бу ерда 13 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 11 та сузиш хавзалари, 36 та теннис корти, 1 манеж ва 10 дан ошқ бошқа спорт ишоотлари ишлаб турибди. Ана шулардан тенг ярми сўнгги 2-3 йил ичида барпо этилди. Айниқса, болаларнинг яйраб дам олишлари учун "Нодирабегим", "Қамолот" сингари болалар боғлари яратилдики, бу масканлар туну кун ёшлар хизматига. Шаҳарнинг бугунги қад ростлаган маънавият масканлари, соғломлаштириш марказлари тимсолида Андижонда замонавий шаҳарсозлик маданиятининг энг илғор анъаналари ўз ифодасини топмоқда.

— Шаҳарда замонавий ва миллий шаҳарсозлик анъаналари асосида бунёдкорлик, қайта қуришнинг амалга оширилиши муносабати билан бу соҳадаги касб эгаларига бўлган талаб ҳам қучайди, — дейди Андижон индустриал-педагогика касб-ҳунар коллежи директори Равшаной Жўрабоева. — Коллежларда қурувчилик, хунарманчилик, бинокорлик каби касбий йўналишлар пайдо бўлди. Бу йўналишларда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Албатта, бугунги кунда тайёрланаётган бинокорлар, хунармандлар, усталар кечгаги кун шу касб эгаларидан фарқ қилади. Негаки, хозирги кунда қуриладиган ишоотлар, бинолар ишта янгича ёндашишни, янгича муносабатни талаб этади. Тайёрлаётган кадрларимиз ана шу талабларга жавоб бера олади. Энг муҳими, коллежларимизни битириб чиқатган ёшлар жойларда тўла равишда иш билан таъминланмоқда. Табиийки, бу ёш қурувчилар, бинокорлар келгусида янги, кўркам, гўзал шаҳарлар барпо этиладиган етук мейморлар, хунармандлар, усталарга айланадилар. Зеро, ҳаёт талабни ҳам шундай!

Андижон шаҳри кечаси нурлар оғушида яна ҳам гўзал, ғаройиб тарзда намоеън бўлади. Унинг бағрида тунда ҳам одамлар оқими, машиналар қатнови тинмайди. Дам олиш масканлари, оромгоҳлар шаҳарликлар билан гавжумлашади. Тунги чироклар ёруғида қайта барпо этилган обод кўчалар, миллий мейморчиликнинг энг яхши анъаналари ва замонавий шаҳарсозликнинг ютуқлари асосида қад ростлаган янги бинолар, ишоотлар бор бўйи билан намоеън бўлади. Шаҳарга сал тепарокдан назар солсангиз, бунёдкорлик, яратувчилик, кўркамлик тунда ҳам унинг бағрида гўё давом этаётгандек таассурот қолдиради. Табиийки, Андижон шаҳри келгусида янада кенгайди. Янги даҳалар, мавзелар, майдонлар,



## Бунёдкорлик — иш мезони

Яқинда матбуот нашрларидан бирининг бундан 30 йиллар илгари чоп этилган нусхаларини варақлаб ўтириб, бир танқидий мақолага кўзим тушиб қолди. Унда Андижон шаҳрининг кўчалари торлиги, ўнқир-чўнқир бўлиб ётгани, уларда тунги ёриткичлар йўқлиги, аҳолини ичимлик суви, газ билан таъминлаш тизими яхши ишламаслиги, маъшии хизмат шохобчаларининг етарли эмаслиги, маданий дам олиш, спорт масканларининг камлиги каби масалалар хусусида танқидий фикрлар билдирилган экан.

Мақолада камчиликлар очик-ойдин кўрсатиб берилганди, лекин уларни бартараф этиш йўллари хусусида бир оғиз ҳам сўз йўқ эди. Эҳтимол, ўша пайтда ушбу танқидий мақоладан кейин шаҳарда баъзи камчиликлар бир қабар бартараф этилиб, йўллар тўзатилиб, тунги ёриткичлар қўйилгандир. Гўёки йиртиқ амалгандай иш қилингандир. Аммо... Агар мамлакатимиз мустақилликка эришмаганда, бугунги фарҳабхи кунларга етиб келганимизда шаҳарда яна қанча ишлар юқоридеги каби камчиликларни бартараф этиш учун "йиртиқларни ямаш" билан банд бўлардик. Ваҳоланки, аҳолиси кундан-

кунга ўсиб бораётган, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ошаётган, янги авлодлар эскича яшашни истамаётган пайтда айрим камчиликларни бартараф этиш билан шаҳар ҳаётини яхшилаб бўлмаслиги аниқ эди.

Шунинг учун Юртбошимизнинг саъй-ҳаракати билан республикамиз шаҳарларини замонавий ва миллий асосда ташаббуҳ қайта қуриш, таъмирлаш, бунёд этиш ишлари амалга оширилаётгани мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳамда обод, гўзал, кўркам шаҳарлар барпо этишда асосий омил бўлди. Андижонда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида ҳам ана шундай

эзгу ниятлар ифодасини топмоқда.

Бугун Андижон шаҳридаги даҳалар, мавзелар, майдонлар, хиебонларни айлансангиз, улардаги яратувчилик, кўркамлик ва гўзалликдан дилингиз баҳра олади. Деярли ҳар бир кўчада катта қилиб ёзилган

"Бундан обод ва озод Ватан қулиши" деган сўзларга кўзингиз тўшади. Бу сўзлар андижонликларнинг кўнгулидаги орзу-армонлар ифодаси эмас, балки уларнинг кундалик ҳаёти, фаолияти мазмунига, иш мезонига айланган. Эндилликда шаҳарнинг марказида бошланган бунёдкорлик ишлари унинг барча нуқталарида давом этмоқда. Андижон давлат университетининг янги биноси ҳам замонавий мейморчиликнинг юксак намуналаридан бири ҳисобланади. Бу олий ўқув юртида талабаларнинг етук билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Келгусида унинг барча ўқув бинолари ана шундай тарх асосида

мухташам қўриқини яратилади. Еҳуд шаҳардаги энг кенга олий ўқув юртидан бири — Андижон машинасозлик институти мамлакатимизнинг автомобилсозлик саноати учун етук кадрлар тайёрлаб берадиган илм даргоҳи ҳисобланади. Унинг аудиторияларида ўқш халқаро талаблар даражасида олиб борилмоқда. Бугунги кунда шаҳарда 28 та касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар фаолият юритмоқда. Қувончли томони шундаки, бу коллежлар ва академик лицейлар биноларининг барчаси энг сўнги ютуқлар асосида мухташам тарзда бунёд қилинган. Ёшлар эса шаҳарда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг бевосита гувоҳи, иштирокчисига айланмоқдалар. Улар Андижоннинг келгусида янада гўзал ва обод шаҳарга айланishiа ишондилар.

**Шоҳида ВАЛИЕВА,**  
халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутати

ворлик, кўркамлик, маҳобатли устунлар, турфа безаклар, ранглар уйғунлиги каби ҳолатларни ифодалашга алоҳида эътибор берилди. Бинолар олдида фавворалар, йўллар четиде яшил хиебонлар, гўлзорлар яратиш андижонликларнинг ўзига хос удумларидан бирига айланган.

— Одамларнинг кўнгулида, халқимизнинг дилида мухташам уйлар, бинолар барпо этиш, яхши яшашга интилиш азалдан бор эди. Лекин бунга имкон берилмасди. Икки қаватли уй курсангиз, иккинчи қавати бузиб ташланарди. Бир қаватли уйнингиз мухташам қилиб бунёд этилса, тегишли идораларга қатнаб сўроқ берадигангиз, — дейди меймор Рустам Иминов. — Ёнги эса бунёдкорликка, қурилишга кенг йўл очилди. Ким чиройли, гўзал қилиб бинолар, ишоотлар барпо этса, раъбатлантирилади. Тажрибаси кенг ёйилади. Замонавий ва миллий шаҳарсозлик намуналарини яратишда андижонликлар биринчи бўлдилар.

**Ҳаёт давом этаверади. Халқимизнинг бунёдкорлик, яратувчилик руҳи ҳеч қачон сўнмайди. Аждодларимиз қадимда буюк тарих, ўлмас мерос яратганликлари каби бугунги авлодлар ҳам улугвор ишлари билан келажакнинг мустаҳкам асосини барпо этмоқдалар. Бу, албатта, келгусида ўз исботини топади.**

Суратлар муаллифи  
З.УМРЗОҚОВ (ЎЗА)

Қамол МАТЁҚУБОВ,  
"Adolat" мухбири

Инсон ҳуқуқ ва эркинлиги — олий қадрият

МУРОЖААТЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланадиган буюк давлат барпо этиш олий мақсад қилиб олинди.

Бизга маълумки, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши фуқароларнинг мурожаатларига доир қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш билан ҳам боғлиқ. Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида мустаҳкамланиб, унга қўра ҳар бир шахс бевосита ўзи ёки жамоа тарзида давлат органларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ёки юридик шахс давлат органига ариза билан мурожаат этганида ўзи ёки ташкилотининг хоҳиш-истаги, эркиндасини ифода этиш, тақлиф билан мурожаат этганида давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш, шикоят билан мурожаат этганида эса бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш имкониятлари мавжуд бўлади.


Маълумки, прокуратура органларининг асосий вазифаси қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат. Ушбу фаолият жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда қўриб чиқиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини қўришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Тошкент вилояти прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунни ижроси вилоятдаги давлат бошқаруви, назорат-текширув ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ҳамда маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органларида мунтазам таҳлил қилиб борилади.

Жумладан, жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг қабулини ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар, шу билан бирга алоҳида бўлиналар тузилганлиги, масъул шахсларнинг қабул вақтлари белгиланганлиги ва аҳоли эътиборига етказилганлиги, мурожаат этувчиларнинг қабул қилиниши, мурожаатларнинг рўйхатдан ўтказилиши, ҳисоботи яритилиши, мурожаатлар бўйича иш юритиш қонунда белгиланган тартибда олиб борилиши ўрганилади.

Мазкур йўналишда ўтказилган таҳлиллар давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар, назорат-текширув идоралари ва бошқа муассасаларда мурожаатларнинг қўриб чиқишга айрим ҳолларда масъулиятсизлик, ўзибўларчилик руҳида ёндашиб келинаётганлиги, мурожаатларини умуман ёки белгиланган муддатларда қўриб чиқмаслик, асоссиз рад этиш, бу борадаги ҳисоботларини бузиб юритиш каби қонунбузилиш ҳолатларига ҳамон йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда.

Масалан, юқорида зикр этилган қонуннинг 19-моддасида ариза ёки шикоят масалани мазмунан хал этиши шарт бўлган дав-



лат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда қўриб чиқиши белгиланган бўлса-да, Паркент туман ҳокими ўринбосари Х.Ҳожиёв фуқаро Ф.Хайдаров, "Паркент АТС" МЧЖ, "Ореон обсерв" МЧЖ ва "Тўлаган кизи Фотима" фермер хўжаликлари раҳбарларининг мурожаатларига ўз вақтида жавоб хатлари бермагани учун суд томонидан МЖТКнинг 43-моддаси билан жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, Чиноз туманидаги "Бунёдкор" МФЙ раиси М.Искандарова, "Ёшлик" МФЙ раиси М.Эргашева, "Бирлик" МФЙ раиси В.Никитин, "Сутчилар" МФЙ раиси С.Худойназарова, "Бог'он" МФЙ раиси И.Данияров, "Мевазор" МФЙ раиси С.Абдуллаев, "Расулбод" МФЙ раиси М.Хилметова, "Нафис" МФЙ раиси И.Қосимов, "Гулзоробод" МФЙ раиси А.Абдурахмоновлар томонидан жами 60 нафардан зиёд жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш натижалари бўйича муаллифларга жавоб хатлари бермаганлиги ҳолатлари аниқланиб, ушбу маҳаллалар раисларига суд томонидан тегишли жазо белгиланди.

Бундан ташқари, вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан қонуннинг 19-моддаси талаб бўлиб, қўшимча текширишлари талаб этиладиган мурожаатлар бўйича

15 кунлик муддатда жавоб хати берилмаган.

Хусусан, Зангиота тумани, "Бўзсув" ҚФЙ, "Нуробод" маҳалласида яшовчи К.Бўронов ва бошқаларнинг катта кўчага тўғри олиб чиқадиган йўлни очиб бериш ҳақидаги 03.03.2016 йилда ёзган мурожаатига 25 кундан сўнг жавоб хати юборилган.

Шу каби қонунбузилиш ҳолати Г.Ҳамидова, Ф.Ҳасанова, Ф.Исмоилова, Ф.Хўжамкулов, Ф.Абдуллаев ва А.Абдурахмоновларнинг мурожаатларини қўриб чиқишда ҳам мавжуд.

Қонуннинг 23-моддасида мурожаат юзасидан қарор қабул қилинган давлат органининг мансабдор ёки бошқа ваколатли шахси агар жисмоний ёки юридик шахс қарорга рози бўлмаса, унинг устидан шикоят бериш тартибини тушунтириш шартлиги қўрсатилган бўлсада, вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан муаллифларга берилган жавоб хатларининг айримларида қонуннинг ушбу талаблари бажарилмаган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасида эътироф этилаётган мамлакатимизда ҳар бир мурожаат эътиборсиз қолмайди. Зотан, мурожаатлар ўз вақтида ва атрофлича ўрганилиши, муаллифга ёзма ёки электрон шаклда жавоб берилишига оид ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратилган.

Ботир ҚАРШИЕВ, Тошкент вилояти прокуратураси қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими катта прокурори

Хуқуқий масалаҳат

Бир пайтлар меҳнат фаолиятини бошлаш ниятида мутахассислигим бўйича бўш иш ўрнига эга корхоналардан бирига борганимда менга "янги иш бошлар экансиз, бизда ишлаш ниятингиз бўлса, меҳнат дафтарчасини ўзингиз сотиб олиб келасиз" дейишган эди. Кейин у корхонага эмас, уйимизга жинироқ муассасасига ишга жойлашдим. Бу корхонада менга меҳнат дафтарчаси олиб келинг, деб айтмади. Айтинг-чи, меҳнат дафтарчаси сотиб олиш учун қаерга мурожаат қилиш лозим?

Т.Мухаммадиев, Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан 1998 йил 7 январда 8/04-01, 32/01-сон билан тасдиқланган Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 402, 1998 йил 29 январь) мувофиқ, ҳар бир корхона ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, лекин штат жадвалида назарда тутилган ходимлар сонидан ошмаган ҳолда, меҳнат дафтарчалари сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат дафтарчалари ва меҳнат дафтарчаларига қўшимча варақлар қорхоналар томонидан маҳаллий меҳнат органларидан олди-сотди шартномаси асосида сотиб олинади. Меҳнат дафтарчаларини бошқача тартибда сотиш, шунингдек, фуқаролар томонидан меҳнат дафтарчаларини сотиб олиш тақиқланади.

Меҳнат дафтарчалари ва меҳнат дафтарчаларига қўшимча варақларни сотиб олиш шартномасини тузиш учун қорхоналар маҳаллий меҳнат органларига ёзма мурожаат қилишлари лозим. Ёзма мурожаатда штат жадвали бўйича ходимлар сони, вакант лавозимлар (жойлар) сони, шунингдек, меҳнат дафтарчаси (меҳнат дафтарчаси дубликатини) ёки меҳнат дафтарчасига қўшимча варақ берилиши лозим бўлган ходимлар тўғрисида маълумотлар кўрсатилади.

Меҳнат дафтарчаси ва меҳнат дафтарчасига қўшимча варақларни қорхоналар томонидан қайта сотишга ёки бошқача тартибда бегоналаштирилишига йўл қўйилмайди.

Якка тартибдаги тadbirkor сифатида фаолият кўрсатмаган, Меҳнат дафтарчага ўзини бу ҳақда тегишли ёзув киритиб, уни муҳр билан тасдиқласам бўладими?

О.Шерматов, Самарқанд шаҳри

Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ, хусусий тadbirkorлик ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс бўлмаган фуқароларнинг ҳамда деҳқон хўжалиқларида ишловчиларнинг меҳнат дафтарчаларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тегишли маълумотлар киритилади.

Шунингдек, ушбу йўриқномага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат дафтарчаларига чет элда (шартнома асосида) ишлаган иш даври ҳақидаги ёзувлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўланган тақдирда, агар давлатлараро битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан тегишли маълумотномаларга асосланиб киритилади.

Фуқароларнинг чет элда (шартнома асосида) ишлаган иш даври умумий иш стажига жамланиб, яъни қайси корхонада, қайси даврда ва қайси лавозимларда ишлаган ишлари, ойлари ва кунлари умумий тарзда ёзилади.

Саволга Адлия вазирлиги Кадрлар бошқармасининг бўлим бошлиғи Мухаммад ТОШОВ жавоб берди.

Дугонам турмуш ўртоғи билан шаръий никоҳ асосида турмуш қурган эди. Аммо кўп ўтмай, муросага кела олмади, ажралиш тўғрисида қарор қилинди. Яқинда дугонам она бўлди. Расмий никоҳдан ўтмагани сабабли собиқ турмуш ўртоғи фарзандини тан олишни истамапти.

Илтимос, бу борада дугонамга ҳуқуқий маслаҳат берсангизлар.

Г.Давлатова, Тошкент вилояти

Амалдаги қонунчиликда оталиқни тан олиш масаласи ўз ечимини топади. Бундай ҳолатларда оталиқни белгилашнинг икки шакли — ихтиёрий ва мажбурий тарзи мавжуд. Одатда, оталиқни тан олишнинг ихтиёрий шакли бирагиликда ариза бериш орқали фуқаролик ҳолатларини қайд этиш идорасида амалга оширилади. Оталиқни белгилашнинг мажбурий шакли эса жойлардаги фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш орқали ҳал бўлади.

Жавобгарнинг боланинг отаси билан бирга яшагани, умумий рўзгор юритгани, шунингдек, болани бирагиликда тарбиялагани ва таъминлаб тургани ва никоҳот, оталиқни тан олигани аниқ тасдиқловчи далиллар оталиқни белгилаш предмети бўла олади. Оталиқни суддан ташқари тан олиш қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин: - жавобгарнинг озаки гапларида; - турли ҳужжатларни тўлдиршида; - давооарга тақдим этилган ёзма ва ашёвий далилларда.

Алоҳида тартибда оталиқни белгилашга эса фарз қилинган отанинг йўлининг унинг боласига нисбатан оталиқни белгилашда бирмунча қийинчилик туғдиради. Шунинг учун суд оталиқни белгилашга асос бўлувчи фактларни у ҳаётлигида тан олган бўлиши кераклигини текширади ва баҳолайди.

Фактни тан олишнинг аҳадиимати шундаки, у иш бўйича исботлаш процессини енгиллаштиради, ишончли далил сифатида эътироф этилади. Шунингдек, оталиқни тан олиш — никоҳсиз туғилган боланинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш кафолатларидан биридир.

Шу ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, турмуш қонуний никоҳ асосида қурилса, ҳаётда қутулиши мумкин бўлган бу каби муаммоларнинг олди олинади.

Саволга Паркент тумани ФХДЭ бўлими мудири Хури ИКРОМОВА жавоб берди.

Қолдирилган рейс

ёхуд сохта чипталар билан саёҳатга бормоқчи бўлганлар

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Ўзини хурмат қилган, ишнинг қўзини билган тadbirkorнинг олтин қойдаси бўлади: "Мижоз ҳамиша ҳақ. Мижознинг кўнглига йўл топиш — устувор мақсад, даромад эса ўз-ўзидан келади".

Ҳаёт қарама-қаршиликлар, зиддиятлардан иборат бўлганидек, фаолиятда юқоридаги тамойилга амал қилмайди, диккат-эътибори фақатгина фойда кўришга қаратилган "ишбилармон" шахслар ҳам топилди. Хусусан, сони кўпу, аммо сифатсиз махсулот ишлаб чиқариш ёки мижозга қўл учиди хизмат кўрсатиш эвазига даромад топиш илнжиди бўлган бундай "уддабурон"ларнинг фаолияти одатда узокка чўзилмай касодга учрайди.

Энг ачинарлиси, баъзан тadbirkor билб ёки билмай фирибгар, бировнинг ишончини сунистеъмом қилувчи шахсларни ишга қабул қилиши оқибатида ўзининг ҳам, мижозларининг ҳам кўнглиги хира бўлиб қолиши ҳоллари учраб туради. Фирибгар ҳодим иш берувчининг яқин кишини бўлса-чи? Ундан ёмони бўлмаса керак.

2012 йилдан Назар Жамиллов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Бухоро шаҳрида "Муборак плюс Бухоро транс" МЧЖга қарашли авиакассани таш-

кил этиб, "Ўзбекистон хаво йўллари" МАК билан авиаичта бронлаш ва сотиш бўйича шартнома тузиш ишлаб келаётган эди. У ўзининг умр йўлдоши Нилуфар Жамилловани чипта сотувчи сифатида ишга қабул қилди.

Бошқа авиакассаларга нисбатан арзон нархда чипта сотиб олганидан қувонган Тоҳир Салоевнинг хурсандчилиги узокка чўзилмади. У ўғли Анварга "Тошкент—Владивосток" йўналишидаги авиарейсга чипта сотиб олганиди. Бироқ Н.Жамилова унга 1-2 кун қолганида кўнғироқ қилиб, белгиланган кунда рейс қолдирилганини маълум қилади. Шундан сўнг авиачипта эгаси Н.Жамиловдан чиптанинг пулини қайтариб беришни сўрайди.

Авиакасса бўлганидан кейин асосий масъулият чипта сотувчининг зиммасига юклатилади. Чипта сотувчи мижозлар билан

бевосита мулоқот ўрнатади, уларга муайян йўналиш бўйича чипталар бор-йўқлиги ҳақида маълумот беради, зарурат туғилса, олдиндан буюртма қабул

Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Бухоро вилояти бошқармасининг режали текшируви ўтказилиб, натижада авиакасса томонидан валютани давлат ҳисобига конвертация қилишда камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Шундан сўнг мазкур авиакассага нисбатан муайян миқдордаги валюта тўловини қирим қилиш тўғрисидаги мажбурият юклатилди.

Бундан тўғри хулоса чиқара олмаган, яъни давлат газнасига тушиши керак бўлган пулларни ўз вақтида ўтказмаган авиакасса ходимлари хатони тузатиш ўрнига навбатдаги катта хатога йўл қўйди. Хусусан, чипта сотувчи Нилуфар Жамилова чипта сўраб келган мижозларга сохта ёки бекор қилинган чипталарни сотиш эвазига давлат олдидаги қарзини узмокчи бўлади.

Шундай қилиб, 2-3 ой оралиғида фуқаро Р.Юсу-



повга "Домодедово—Бухоро", С.Зариповага "Тошкент—Нью-Йорк", Ш.Пўлатовга "Тошкент—Шереметово—Нью-Йорк", Ш.Саъдуллаев, И.Шаринова, Ф.Жумаев, Т.Салоевларга "Тошкент—Владивосток", С.Бартоговга "Бухоро—Санкт-Петербург", Н.Каноатовга "Бухоро—Домодедово", И.Умировга "Тошкент—Истанбул", З.Розиковга "Нью-Йорк—Бухоро" йўналиши бўйича авиачипта расмийлаштириб беришни айтиб, улардан авиачипта учун белгиланган пулларни олиб, айримларига қалбаки, айримларига бекор қилинган авиачипта берган. Натижада фуқароларнинг жами 60.713.536 сўмлик маблағи ўзлаштирилган.

Бошқа авиакассаларга нисбатан арзон нархда чипта сотиб олганидан қувонган Тоҳир Салоевнинг хурсандчилиги узокка чўзилмади. У ўғли Анварга "Тошкент—Владивосток"

йўналишидаги авиарейсга чипта сотиб олади. Бироқ Н.Жамилова унга 1-2 кун қолганида кўнғироқ қилиб, белгиланган кунда рейс қолдирилганини маълум қилади. Шундан сўнг авиачипта эгаси Н.Жамиловдан чипта пулини қайтариб беришни сўрайди. Бироқ "эрта, индин" деб ўзини олиб қочган Н.Жамилова ишнинг ижобий хал қилвермагач, фуқаро Т.Салоев Бухоро шаҳар ИИБга ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Суриштирса, унга ўхшаган чум тушганлар озчилик эмас экан...

Албатта, етказилган моддий зарар қопланиб, жиноятчи ўз қилмишига яраша жазосини оладиган бўлди. Айни пайтда бундай дилхиралликнинг олдини олиш, эзгу мақсадларда ишнинг бошланган тadbirkor буромад ўрнига даромад топиши мумкин эдику, деган фикр кишини ўйлантиради.

Бунинг учун сўзимиз бошида таъкидлаганидек, тadbirkor, энг аввало, мижозлари ишончини оқлаши лозим эди. Қолаверса, ҳар биримиз ўз фаолиятимизда қонунда белгиланган қоидаларга асосан иш юритишга одатланишимиз шарт.

Феруз ИБРАГИМОВ, Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг катта мутахассиси. Саодат СОДИКОВА, «Adolat» муҳбири

## Масъулиятни чуқур англаш амалий ишларда акс этмоқда

### ➤ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Маълумки, ҳар бир сиёсий партиянинг фаолияти ҳақида сўз борар экан, энг аввало, фуқаролар унинг депутатлари олиб бораётган ишларга қараб баҳо беради. Наманган вилояти халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги "Адолат" СДП гуруҳлари ҳам шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Партиянинг Сайловолди дастурида кўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш билан бирга электрорат манфаатларини ҳимоя қилиш, сайловчиларнинг талаб-истакларини ўрганиш ҳам диққат марказида турибди.



худудда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Хусусан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, ички йўллари таъмирлаш, хонадонларга баллонларда суюлтирилган газ етказиб бериш каби қатор масалалар мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этилганлиги тилга

лар йиғини учун янги гузар қурилишига ер ажратилганлиги ҳаммага маъқул тушди.

Тадбирда худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим муаммолари ҳақида ҳам фикр юритилди. Улар ичида энг муҳими, шубҳасиз, янги иш ўринлари яратишдир. Биз бу соҳада маҳалла фуқаролар йиғини раҳбарлари билан келишиб олдик. Биргаликда ўнга яқин тadbиркорнинг кичик бизнесни ривожлантириш юзасидан истиқболли лойиҳалар ишлаб чиққанликларини аниқладик. Улар билан алоҳида суҳбатлашиб, нима масалада ёрдам кераклиги хусусида фикрлашдик. Бу ишга туман ҳокимлиги вакиллари ҳам жалб этилди. Натижада яқин бир ярим йил ичида сайлов округимиз худудида юзга яқин янги иш ўринлари пайдо бўлади. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлашга қўшилган салмоқли ҳиссага айланади.

**Хусусан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, ички йўллари таъмирлаш, хонадонларга баллонларда суюлтирилган газ етказиб бериш каби қатор масалалар мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этилганлиги тилга олинди. Айниқса, депутатлар ва вилоят партия кенгаши аралашуви билан худуддаги "Пиллакаш" маҳалла фуқаролар йиғини учун янги гузар қурилишига ер ажратилганлиги ҳаммага маъқул тушди.**

мазмун-моҳияти, уларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан аҳамияти ҳақидаги фикрларни ҳамма қизиқиб тинглади.

Албатта, халқ депутатлари вилоят ҳамда туман Кенгашларидаги "Адолат" СДП гуруҳи фаолияти хусусида ҳам алоҳида тўхтадик. Партия депутатларининг доимий комиссиялар таркибиде олиб бораётган ишлари билан таништирдик. Амалдаги қонунлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорларининг ижросини ташкил этиш ҳамда назорат қилишдаги иштирокимиз ҳам барчани қониқтирди. Учрашувда сайлов округи

олинди. Айниқса, депутатлар ва вилоят партия кенгаши аралашуви билан худуддаги "Пиллакаш" маҳалла фуқаролари

Назаримда, учрашувдан депутатларда ҳам, сайловчиларнинг вакилларида ҳам қониқиб ҳосил бўлди. Чунки унда сўзга чиққан ҳар бир киши ўз кўнглидаги гапни айта олди. Айниқса, биз, депутатлар ўзимиз учун келгуси фаолият йўналишларини белгилаб олдик. Депутатлик сўровлари, халқ депутатлари Кенгашида қўриладиган масалалар учун мавзуларни, партиянинг Сайловолди дастури рўёбга чиқаришда яна нималарга эътибор қаратишимиз лозимлигини ҳам муҳокама қилдик.

**Ойимбуви ОРТИҚОВА,**  
халқ депутатлари Поп туман Кенгашидаги "Адолат" СДП гуруҳи аъзоси

### ➤ ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган депутатлар ва бир гуруҳ фаоллар яқинда Ангрен шаҳридаги бир қатор шифоналарда яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Айни чоғда депутатлар тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашиб, уларни ўйлантираётган масалаларга ҳам қизиқдилар.

### Яна бир масала ўз ечимини топди

Жумладан, шаҳардаги асаб касалликлари шифонаси ходимлари муассасада ичимлик суви қувурларини янгилашга эҳтиёж борлиги юзасидан мурожаат этишди. Бу муаммони хал қилиш мақсадида Тошкент вилояти "Сувокова" давлат унитар корхонасининг Ангрен шаҳар филиали мутахассислари жалб этилиб, сув қувурларидаги носозликлар аниқланди. Ангрен шаҳар фаолларидан бири Холхўжа Юнусовнинг хомийлигида мавжуд сув қувурлари беш кун ичида янгисига алмаштирилди. Шунингдек, ушбу шифонада "Грум" маҳалласи фаоллари томонидан хайрия тadbiri тапқил этилиб, байрам дастурхони тайинди.

**Азиза ҚУРБОНОВА,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари

### ЭЪЛОН!

Жорий йилнинг 29 июль куни Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида Одоб-ахлоқ комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтади. Унга партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати масъул ходимлари ва партия фаоллари таклиф қилинади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва кичик бизнес субъектлари диққатига!  
**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ**  
**«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**  
**танлов савдоси**  
**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Объект номи: «Фаргона вилояти Фаргона шаҳридаги 55159-«F»-соғли ҳарбий қисмини ободонлаштириш ва реконструкция қилиш ишлари».

Бошланғич нархи: 267 967 716 сўм ҚҚСиз, 321 561 259 сўм ҚҚС билан.  
Муддати – 4 ой.  
Қурилиш-монтаж ишлари: маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.  
Манзил: Фаргона шаҳар Темирўл кўчаси 37, тел.(0 595) 401-52-01, 401-52-05.  
Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этилади.  
Талабгор сифатида иштирок этиётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, старли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк қафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида маълуматимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.  
Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фаргона вилоят қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:  
Фаргона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси 36-уй, телефон/факс: (373)244-68-90 (92), 98-276-25-48  
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.  
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин (куни ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади) Фаргона шаҳар, ал-Фарғоний кўчаси 36-уй манзилида ўтказилади.

**«Global Savdo Fayz Buxaga» МЧЖ бошланғич баҳоси охири бориш тартибиде**  
ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдоларига таклиф этилади!

«Очиқ Аукцион» савдосига Бухоро вилояти Вобкент тумани «Имом Наимов» ММТП МЧЖга тегишли, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 85-98 БВ бўлган Енисей – 1200 НМ русумли (комбайн) қишлоқ хўжалик техникаси қўйилмоқда.  
Б/б – 26 100 000 сўм.  
Аукцион савдоси 2016 йил 30 август куни соат 11:00 да савдо ташкилотчисининг савдолар залида бўлиб ўтади.  
Юқоридаги қишлоқ хўжалик техникаси 2016 йил 30 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 07 ва 14 сентябрь кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.  
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.  
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Global Savdo Fayz Buxaga» МЧЖнинг ЧЭКИ «Савдогарбанк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020800050501774001, МФО: 00112, ИНН: 302485226. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

**«Global Savdo Fayz Buxaga» МЧЖ.**  
Манзил: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 12-уй.  
Телефон: (0365) 221-54-43.  
Хизматлар лицензияланган

Тошкент тижорат ва тadbиркорлик касб-ҳунар коллежи томонидан Жалилова Дилдора Салми қизига берилган диплом КА 3545986 йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## ВАЛЮТАГА... ИЛДИЗ СОТИБ

ёки корхонанинг экспорт имкониятини кенгайтираётган тadbиркор хусусида

### ➤ ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧЛАРИ

Тadbиркорлик ёки бизнес соҳасида даромад орттириш, ўзи ва ўзгалар рўзгорини фаровон қилишнинг сирлари кўп. Лекин бошқалар ҳали синаб кўрмаган ёки журъат қилмаган ишнинг этагидан тутиб, тadbиркорликда ўз йўлини топа олган кишига тасанно десангиз арзийди.



корхоналари фаолияти билан яқиндан танишиб, улар билан айни шу соҳада ҳамкорлик қилиш имконияти борлигини тушуниб етдим, — дейди тadbиркор Одил Асимов. — Хитойлик саноатчилар бизга қизилмия илдизини майдалаб, уни кукунга айлантириб берадиган ускуна ва технологияларни етказадиган бўлишди. Биз эса хомашини чет мамлакатга экспорт қилиш мажбуриятини олдик ва тез орада бунинг уддасидан чиқдик.

Дарвоқе, Самарқанд шаҳрининг саноатчи-tadbиркорлар мехнат қилаётган «Фарход» кўрво-нида «Райс продакшн бизнес» номи билан фаолият юритаётган маъзур корхона шу йилнинг олти ойи мобайнида бир миллион АҚШ долларига яқин маҳсулотни четга экспорт қилди. Бу кўрсаткичнинг йил охиригача 2 миллион АҚШ долларига етказиш мўлжалланган. Шунинг хисобига корхонани янада кенгайтириб, қўшимча ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган.

Шуниси аҳамиятга моликки, янги корхона юқори даражада модернизациялаштирилгани туфайли деярли 100 фоиз чикнисиз технология асосида ишламоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, қизилмия илдизини қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган хомашё қолдиқлари аммиакка бой бўлганлиги учун қишлоқ хўжалигида бемалол маданли ўнг ўрнини босмоқда ва ерининг унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шунинг назарда тутган самарқандлик тadbиркор вилоятдаги фермер хўжаликларига бир неча ўн тонна шундай қимматли ўнг етказиб берди.

Шунинг эмас, илгари табиий шароитда ўсадиган қизилмия ўсимлигини етиштиришни маданлий асосда йўлга қўйиш мақсадида Оролбўйи худудининг шўр тупроқли ерларидан 300 гектар майдон ўзлаштирилди. Бу ҳам табиий шароитда ўсадиган қизилмия ўсимлигини кўпайтиришнинг қафолатли воситаси

бўлиб хизмат қилиши билан бирга маъзур худудда 100 дан ортиқ янги иш ўринларини яратишга имкон берди.

— Ҳозир 100 кишини даромадли иш билан банд қила олдик, — дейди О.Асимов. — Корхонани кенгайтириш ишларини якунига етказгач, яна шунча ходимни ишга қабул қилиш имконияти яратилади. Аниқроқ қилиб айтганда, шу чоққача четга қизилмия илдиздан хомашё тайёрлаб сотиш билан шуғулланган бўлсак, энди мена-сабзавотларни ҳам экспорт қилмоқчимиз. Булунгур туманидаги фермер хўжаликларига билан узум, мош, ловия хосилни четга етказиб бериш бўйича 500 тонна маҳсулотга шартнома тузганмиз.

Зеро, Ўзбекистон боғларида, сабзавот ва полдиз пайкалларида бирин-кетин пишиб етиладиган маҳсулотларга бугун жаҳон бозорларида талаб катта. Буни яққол хис этган самарқандлик тadbиркор-фермерлар экспорт имкониятларини янада кенгайти-



риш чораларини ишга солмоқда. Вилоятдаги ўнлаб замонавий қайта ишлаш корхоналари модернизациялаштирилиб, юқори қувват билан ишлатилмоқда. Улар қаторида «Райс продакшн бизнес» масъулияти чекланган жамияти ҳам рақобатда ўз омадини синаб кўрмоқда. Ва, бемалол айтиш мумкинки, қисқа вақтда эришилган иқтисодий кўрсаткичлари билан кўпчиликни хайратга солмоқда. Юз киши меҳнат қилиб, ҳар бири бир миллион сўмдан кам маош олмаётган корхонанинг ўз технологияси, ўз миқозлари ва ўз истикболи бор. Бунга эса фақат излаш, ҳаракат ва дунё бозорининг талабларини ўрганиш туфайли эришилмоқда.

**Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,**  
«Adolat» мухбири  
Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар

# Электротехника саноати депутатлар диққат марказида

## ► КОНФЕРЕНЦИЯ

Маълумки, истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, саноатни модернизациялаштиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, электротехника соҳасининг дунё иқтисодиётида шиддат билан ривожланаётган йўналишлари амалиётга татбиқ этилиши даромади ортиб бораётган ва натижада истеъмол талаби кенгайиб бораётган ҳалқимизнинг замонавий маиший техникага бўлган эҳтиёжи асосан ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига қондирилишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси ҳамкорлигида «Ўзбекистонда электротехника саноатининг ривожланиши: ҳолати ва истиқболлари» мавзусида ўтказилган конференцияда шу ҳақда сўз борди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, вазиrликлар вакиллари, «Ўзэлтехсаноат» АК таркибига кирувчи корхоналар раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида электротехника саноатининг вужудга келиши ва шаклланиш босқичлари, тармоқнинг бугунги кундаги ҳолати ва муаммолари ҳамда электротехника саноатини ривожлантиришнинг истиқболлари муҳокама этилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда электротехника соҳасида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижа-сида замонавий маиший техника, жумладан, телевизор, кир ювish машиналари, электр печь ва плиталар, светодиод лампалар ва турли хил ёриткичлар, шунингдек, кондиционер, совутиқич ва газ плиталарнинг янги моделлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Хусусан, бугунги кунда «Ўзэлтехсаноат» АК тизимида 50 га яқин корхоналарда турли йўналишларда, яъни кабель, электротехника, маиший техника каби 27 та корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар Марказий Осие, Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги ва бош-

қа хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

— Мамлакатимизда мустақиллик байрамининг 25 йиллик шодиданлари олдидан ўтган даврга назар ташлаган ҳар бир инсон истиқлол йилларида иқтисодийни ривожлантириш, аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самарасини ўз ҳаёти, турмуш тарзидagi ўзгаришлар, янгиланишлар мисолида хис қилиб яшамокда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Ермат Холматов. — Бугун ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилларга эга бўлиб, 47 фоиз оила шахсий компьютерлар билан таъминланган. Шунингдек, ҳар 100 та оиладан 31 таси кондиционерга эга, ҳар 100 та оилга эса 234 та мобил телефон тўғри келаяпти. Бу тўқинчиликларга ўз-ўзидан эришилмади, албатта. Ваҳоланки, бундан чорак аср муқаддам, собиқ Иттифок даврида Ўзбекистонда фақат хомашё етказиб беришга асосланган бирёклама иқтисодий сиёсат юритилиши оқибатида катта бойликлар, ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларига эга бўла туриб, республикамиз асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича охириги ўринларда турганини биз, катта ёшлилар жуда яхши эслаймиз. Ишлаб чиқариш — бу бунёд этиш, яратиш демакдир. Бошқача айтганда, ақл-заковат, меҳнат ва тажрибани ишга солиб, зарур хомашёни қайта ишлаш саноатининг муҳим қисми десак, янгилишмасак керак. Бундан 30-40



йиллар аввал Ўзбекистонда автомобиль, телевизор ёки музлаткич у ёқда турсин, телефон ишлаб чиқарилишини тасаввур қила олмасдик. Бугун эса электротехника саноати республикада жадал ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Чунинчи, 2005 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 80 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 1 триллион 300 миллиард сўмни ташкил этди. Маиший техника маҳсулотларининг улуши 2005 йилда 3,7 фоиз бўлган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 29 фоизга етди. Бу рақам ва кўрсаткичлар тармоқда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш-ни диверсификация қилиш борасида қабул қилинган меъририй-хуқуқий ҳужжатлар ҳамда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Тадбирда электротехника саноатини ривожлантиришнинг истиқболлари хусусида ҳам фикр

юртилди. Сўзга чиққан мутахассислар тармоқни ривожлантириш дастури асосида 2030 йилгача соҳада 1 миллиард АКШ долларига яқин сармоя ўзлаштирилиб, 22 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши, шунингдек, барча корхоналарни модернизациялаш ҳисобига маҳсулот тайёрлаш ҳажми 5,1 баробарга ортиши кутилаётганини кайд этишди. Шунингдек, юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари ва турларини кенгайтириш, янги ташқи бозорларни аниқлаш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, замонавий электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида ҳали фойдаланилмаётган захиралар ва имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

— «Ўзэлтехсаноат» АК томонидан 2016-2019 йиллар давомида ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш ва қишлоққа саноатни олиб киришни жадаллаштиришга қаратилган қиймати 295 миллион АКШ доллар бўлган 95 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган, — дейди «Ўзэлтехсаноат» АК бошқаруви раиси ўринбосари Жаҳонгир Исмоилов. — Мазкур лойиҳаларни татбиқ этиш натижасида 5 мингга яқин янги иш ўринлари яратилиши назарда тутилган. Кези келганда таъкидлаш лозим, компаниямиз томонидан электротехника саноатини ташкил этишга доир қонунчилик базаси ва тармоқ учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, тармоққа замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этишни жадаллаштиришга эришиш борасида саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Тадбир доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари собиқ Мотор заводи негизда бунёд этилган Artel ва Samsung брендлари остида маиший техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ва маркетинг марказига ташриф буюриб, марказ фаолияти билан яқиндан танилишди.

Конференция якулиари бўйича республикада электротехника саноатини янада ривожлантиришга оид тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Саодат СОДИҚОВА,  
«Adolat» мухбири

## ► 2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Фарзанд — инсон ҳаётининг мазмуни, насл-насабини давом эттирувчиси, оиланинг мустақам занжиридир. Фарзанд — ота-онанинг бахту иқболи. Яхши хулқли, одобли, гўзал тарбияли, бебаҳо фазилатли, қобил ўғил-қизлар ота-онасига бир умр раҳмат, бахт ва хурсандчилик келтирган.

## ҲАЁТ ҒУЛТОҶИ

Ҳар бир йигит-қиз камол топиб, оила қуриш, фарзанд қўришни орау қилади. Муродига етгач, бор меҳрини ўғил-қизига бериб улғайтиради. Фарзанднинг яхши, одобли, меҳнатсевар, соғлом бўлиб ўсишига ота билан бирга она ҳам кўп куч-ғайрат сарфлайди. Яъни, фарзанднинг қандай камол топиши оила чаробони бўлган онага кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам халқимизда бўлғуси келини тавлашга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Зеро, бўлажак келиннинг соғлом, гўзал тарбияли бўлиши барака омилidir.

Донишмандлар бола тарбиясига у ҳали ҳомила ҳолида эканидаёқ кирилишни маслаҳат беришади. Бунга қандай эришиш мумкин? Бўлажак онанинг таоми ҳалол, пок бўлиши, у ҳамиша тоза, покиза юриши туғилажак фарзанднинг келгусида яхши тарбияли, одобли, эътиқодли, чин инсон бўлиб камолга етишида катта фойда беради. Ҳатто замонавий тиббиёт ҳам она ҳомиладорлик чоғида кўпроқ қандай қайфиятда бўлса, буларнинг ҳаммаси болага кўчишини исботлаган. Масалан, ҳомиладорлик чоғида кўп асабийлашган, бошига бирор ғам, мусибат тушган аёлларнинг ўғил-қизлари инжик, серзарда, йиғлоки бўлиб туғилиши кузатилади.

Олимларнинг тадқиқотларига қўра, онасининг тарбиясини олган, унинг ғамхўрлиги, шафқатини хар қадамда хис этиб турган болалар соғлом, акли, тарбияли ва кўнгличан бўлиб улғайишади. Онанинг яна бир бурчи фарзандига меҳрибонлик кўрсатиб, уни азият берадиган нарсалардан сақлаб улғайтиришидир.

Оналар ўғил-қизларини ёшлик чоғлариданоқ илму маърифатга қизиқтириб, ўргатиб боришлари лозим. Илму фани эгаллаган ҳар бир йигит-қиз келажақда, албатта, ўзи, оиласи, халқи ва Ватани учун манфаат келтирадиган инсонлар қаторидан жой олади. Ватан она каби муқаддасдир. Шу сабабли юртга хиёнат оғир гуноҳ ҳисобланади. Ҳозирги кунда ота-онаси, оиласи ҳақида қайғуриш ўрнига ўзга юртларда муқаддас ислом дининида фитна чикариб, беғуноҳ муслмонларнинг қонини тўқаётган жангариларга қўшилиб, ўзи ва ота-онасига тавқи лаянат келтираётган қимсаларнинг аччиқ қисмати бошқаларга сабоқ бўлиши лозим.

Болаларига яхши тарбия бермаган, уларга ўзини, миллатини, динини, Ватанини танитмаган, қалбида меҳру муҳаббат туйғуларини қучайтирмаган аёллар оналик ҳақини адо этмаган бўлишади. Шундай экан, болангизнинг дунёга келиши, яхши инсон бўлиб улғайишини истасангиз, онасида меҳрингизни дариг тулманг, унга ҳамиша эътибор беринг.

Шуқриқ, йил сайин обод бўлиб, гуллаб-яшнаб бораётган мустақил юртимизда она ва болага катта ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакатимизда аёлларнинг қадри улғуланиб, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларидаги фаолияти ортиб борапти. Ўз хурмати, ахтиром ва нуфузига эга бўлган бу муҳтарам зотларнинг турли жаҳба ва йўналишларда қилаётган ишлари муносиб баҳолашиб, қадрланмоқда. Ҳар бир хонадоннинг бекаси бўлиши опа-сингилларимизнинг овирини енгил қилишга зарур шароитлар яратилмоқда. Жумладан, ҳар доим бўлганидек, жорий «Соғлом она ва бола йили»да ҳам оналар эъвозланиб, соғлом болалар дунёга келиши, фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом униб-ўсиб, камол топиши, қомил инсонлар бўлиб вояга етиши учун муҳим дастурий вазифалар ички амалга оширилмоқда. Бу улғувор ишларнинг самарасини биз соғлом оналар дунёга келтираётган соғлом болаларнинг тулғун чехрасида кўриб турибмиз. «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур», дея эртанги кунимиздан кўнглимиз хотиржам тортмоқда. Келажаққа соғлом она, соғлом болаларимиз билан бора-япмиз.

Алиакбар САЙФУДДИНОВ,  
Тошкент шаҳридаги «Мулла Қосим»  
жоме масжиди имом хатиби

## ЭЪЛОН!

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган иншолаб қўриқ-танлови якунларига қўра, олий ўқув юртлари талабалари ҳамда ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларининг энг сара ижодий ишлари намуналари тўпламини нашр этиш бўйича босмаҳоналар ўртасида тендер эълон қилади.

Тақлифлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун муддатда қабул қилинади.

Бичими 84x108 1/32. 330 бет, текст 1+1, қаттиқ муқова 4+0. Адади — 2000 донна

**ТАНЛОВГА ҚЎЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:**

1. Танловда иштирок этиш бўйича ариза (эркин шаклда).
2. Нархларни асословчи смета ҳисоб-китоблари.
3. Картотека қардорлиги тўғрисидаги маълумотнома.
4. Босмаҳона хизматини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия (рухсатнома) нусхаси.

Мурожаат учун: Тошкент шаҳри, «Шарқ тонги» кўчаси 23-уй. Телефонлар: 288-42-07 (117), факс: 288-42-03 (130).

Марказий аппарат биносига кириш жойини қайта таъмирлаш учун тендер ўтказилиши бўйича эълон қилади.

Тижорат тақлифлари бўйича партия Марказий аппаратига мурожаат қилишингиз мумкин.

Мурожаат учун: Чилонзор тумани, Шарқ тонги кўчаси 23-уй. Телефон: 288-42-12 (ички рақам 131, 130, 148)



2016 йил 22 июлда

# Fitch Ratings

халқаро рейтинг агентлиги

## «Асака»

акциядорлик тижорат банкининг

халқаро кредит рейтингини кўтарди ва истиқболини

## «БАРҚАРОР»

деб тасдиқлади.

Реклама

Хизматлар лицензияланган

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Исрол ҲАМРОЕВ

Бўлимлар:

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



Таҳрир ҳайъати:  
Наримон УМАРОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Гавҳар АЛИМОВА  
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА  
Қодир ЖУРАЕВ

Тошўлат МАТИБАЕВ  
Галъат МУРОДОВ  
Абдуқамол РАҲМОНОВ  
Собир ТУРСУНОВ  
Алишер ШОДМОҢОВ  
Шухрат ЯКУБОВ

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 288-42-14 (144)

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган  
Таҳририят манзили: 100043,  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани  
«Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.  
info@adolatgzt.uz

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 700. Адади — 6636. Босишга топшириш вақти — 21.30. Босишга топширилди — 22.00.  
Баҳаси келишимдан нарҳда

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.



1 2 3 4 5 6